Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 126 (20. 393) • 1989 йил 30 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.



СССР ВА АҚШ БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ I-УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида нормал, яхши муносабатлар ўрнатишга катта ҳисса қўшаётган ҳаракатнинг Ўзбекистон пойтахтида йиғилган вакилларини табриклайман. Сизларнинг фаолиятингиз айниқса қимматлидир, чунки бу фаолият Совет—Америка алоқаларининг инсоний қадрини кучайтиради, минглаб кишиларга Америка ва Совет граждanларига шахсан танишиш, уларни қизиқтираётган ҳар қандай масалаларни муҳокама қилиш, агар улар биргаликдаги ишларни ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам наф келтиради, деб ҳисоблашган тақдирда шундай ишларни олиб боришларига имкон беради.

Биродарлашган шаҳарлар ҳаракати — имкониятлари ва икки томонлама манфаатлари жуда кенг бўлган халқ дипломатиясининг самарали шаклларидан биридир. Аммо менимча, бир-бирини билиш, ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, «совуқ уруш»дан мерос қолган сийқа усулларни тугатиш, халқларимиз ўртасида ҳурматга асосланган муносабат ва ишончни шакллантириш сизларнинг фаолиятингиздаги энг муҳим вазифадир.

Сиёсий жараён, айниқса олий даражадаги Совет — Америка мулоқотлари ҳаракатингизнинг ҳам муваффақиятли ривожланишига қулай имконият яратмоқда. Ўз навбатида бу ҳаракат эса шу жараённинг пойдеворини мустаҳкамлайди.

Аҳолиси Арманистондаги зилзилага нисбатан бефарқ қолмай, чинакам инсоний бирдамликни намойиш этган Америка шаҳарларига яна бир бор миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман.

Учрашувингиз самарали ишлашини, сизларнинг бутун ҳаракатингиз янги муваффақиятларга эришувини тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

* * *

АҚШ Президенти Ж. Буш учрашув қатнашчиларига табрикнома йўллади, табрикномада қуйидагилар айтилади:

«СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларининг Тошкент конференциясига йиғилган Америка ва Совет делегатларини табриклайман. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқининг салкам юзта шаҳридан шаҳар маъмурияти, жамоатчилик вакилларининг, маориф арбобларининг бу учрашуви жуда муҳим воқеадир.

Биродарлашган шаҳарларнинг алоқалари тез ривожланиб бораётганлиги Америка ва совет кишиларининг бир-бири билан кўпроқ мулоқотда бўлиш истагини ифода этади. Президент Рейган билан Бош секретарь Горбачев СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга янги йўналиш бағишлашганидан кейин одамлар ўртасида шундай мулоқотлар учун катта имконият пайдо бўлганлигини табриклаймиз ҳамда келгусида бу имконият кўпаяди, деб умид қиламиз. Тошкент учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар учун биродарлашган шаҳарлар алоқаларининг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаши ва ҳозир амалга оширилаётган шаҳарлараро муносабатларни кенгайтиришга янги омил бағишлаши керак.

Мен яқинда, 6 январда Ереваннинг вице-мэри Бабкен Варданян ва Массачусетс штатидаги Кембриж-нинг вице-мэри Алис Вулф билан учрашиб, биродарлашган шаҳарларнинг алоқаларидан хабар топиш имкониятига эга бўлган эдим. Ереван билан Кембриж ўртасидаги алоқалар ҳамда зилзиладан кейин Арманистонга кўрсатилган ёрдам тўғрисида менга сўзлаб беришди. Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги муносабатлар бир-бирига делегацияларни расмий равишда юборишдан амалий ҳамкорлик томон ўзгарганлиги жуда муҳимдир.

Мен АҚШ биродарлашган шаҳарлари уюшмасининг президенти Ричард Ньюхайзелга, конференциянинг совет ташкилотчиларига, унинг барча қатнашчиларига мурожаат қиламан. Сизларнинг куч-ғайратингиз давлатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади, деб ҳисоблайман.

Конференциянгизга муваффақият тилайман, сизларга худо ёр бўлсин».

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

27 майда СССР халқ депутатлари съездида депутат **В. И. Карасев** съезд ишининг дастлабки икки куни билан боғлиқ бир қанча мулоҳазаларни айтди. У депутатларнинг баъзи таклифларини, жумладан СССР Конституциясига тузатишлар киритиш тўғрисидаги, СССР Олий Совети ва СССР халқ депутатларининг статусини ўзгартириш ҳақидаги таклифларини эслатиб ўтди. Қонун лойиҳалари тақдим қилиш ташаббуси асосида киритилган ва кўпчилик овоз билан рад қилинган бу таклифлар рўёбга чиқмай қолганидан таассуф билдирди.

Депутат билимдон ва зукко сиёсатчилар — қайта қуриш жараёнида ҳаётий эҳтиёж эканлигини айтиб, шу муносабат билан Украина ССРдаги сайлов натижаларини шарҳлаб берди. Депутатнинг айтишича, съездга давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги бирорта ҳам олим сайланмаган. Депутат кўпинча регламентга амал қилмаётган съезд президиуми шанига танқидий фикрлар айтди ва мисоллар келтирди.

Депутат **Т. В. Момотова** ҳамкасбларини амалий ишга даъват этди. У съезд ишида иштирок этаётган кўпчилик депутатларни сталинча-брежневча аппарат ходимлари деб атаган Ю. Афанасьевнинг фикрига бутунлай қўшилмаслигини айтди. Биз деди у, аппарат фикрини эмас, балки Афанасьев ва Попов позициясидан фарқ қиладиган ўз позициямизни ифодалаймиз.

Нотиқ Москва делегацияси позициясини эътибор билан ўрганиб чиққанлигини айтди. Унда айрим жиҳатларни маъқуллаш мумкин. Аммо баъзиларини маъқуллаб бўлмайди. Бу — мутлақо қонунийдир. Аммо депутатларга шундай тазйиқ ўтказилаётганлиги кишини ажаблантиради. деди нотиқ. Агар сиз қарама-қарши позицияга бутунлай қўшилмасангиз ва уни қўллаб-қувватламасангиз, демак турғунлик даврининг вакили бўласиз, деган хулоса чиқади.

Сўнгра **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов якунларини маълум қилди.

СССР Олий Советига номзодлар кўрсатиш ва сайлов ўтказиш тартибига оид масалалар юзасидан депутатлардан **В. И. Воротников, С. П. Головин, О. М. Савостюк, Г. А. Погосян, Г. В. Старовойтова** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Съездда Озарбайжон ССРдаги Тоғли Қорабоғ автоном областининг СССР Олий Советидаги вакиллиги, РСФСРнинг СССР Олий Советидаги вакиллигига киритиладиган баъзи ўзгартишлар тўғрисидаги, депутат Ю. М. Чемоданов номзоди билан боғлиқ воқеа ҳақидаги мунозара авж олиб кетди. Ана шу масалалар юзасидан депутатлардан **Г. А. Посибеев, А. В. Шаронов, А. А. Собчак, А. В. Оборин, В. А. Зубанов, В. А. Мартиросян, М. А. Иброҳимов, Н. Н. Воронцов, Э. Т. Арутюнян, А. Х. Везиров, С. Г. Арутюнян, Н. С. Сазонов** сўзга чиқдилар.

Съезд депутат Ю. М. Чемодановнинг бу йил Олий Советга ўз номзоди кўрсатилишини талаб қилмаётганлиги ҳақидаги фикрини маълумот учун қабул қилди.

Съезд Озарбайжон ССРдан Миллатлар Советига ўтказилган сайловнинг Тоғли Қорабоғ автоном областига тааллуқли қисми якунларини кўпчилик овоз билан бекор қилди. Съезд президиумига ва Озарбайжон ССРдан сайланган делегацияга, жумладан Тоғли Қорабоғ автоном области депутатларига масалани ишлаб чиқиш ва таклифлар киритишни топширди.

Съезд СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов натижалари тўғрисида ҳисоб комиссияси протоколини тасдиқлади. Палатага 271 киши сайланди.

Кечқурунги мажлис депутат **А. И. Лукьяновнинг** съезд президиумига ва Озарбайжон ССРдан сайланган делегацияга топширган Тоғли Қорабоғ автоном областининг Миллатлар Советидаги вакиллигига оид масала мураккаб эканлиги ва қўшимча маслаҳатлашувларни талаб этиши тўғрисидаги ахбороти билан бошланди.

Съезд депутатнинг ахборотини маълумот учун қабул қилади.

Сўнгра эрталабки мажлисда бошланган мунозара давом эттирилди.

Депутат **О. О. Сулаймонов** Ю. Н. Афанасьев билдирган фикрларнинг кўпчилигини маъқуллаб, унинг янги сайланган СССР Олий Советига «сталинча-брежневча Олий Совет» деб берган баҳосига қўшилмади. Айтилган сўзлар, деди қозоқ ёзувчиси, ғоят таъсирли бўлиб, ҳар қандай кишини оёққа турғизишга, оломонни, халқни ҳаракатга келтиришга қодир, аммо бу сўзлар адолатлими?

Фракциячиликка даъватлар гарчи съезд ишини, авж олдирилаётган демократиялаш жараёнини жонлантирса-да, аммо нотиқнинг фикрича, халқ биздан ҳал этишни талаб қилаётган барча муаммоларни ечишга қодир эмас. Бу даъватлар съездга нифоқ солишгагина қодирдир. Нотиқ образли қилиб бундай деди: съездаги «сўл қанот» ўнг қанотга қараганда эшкакни тезроқ эшмоқда, чунки у уюшқоқлик билан ҳаракат қилмоқда. Аммо шу эшкаклар юргизаётган қайиқ, агар сўл эшкак билан ҳаддан ортиқ эшилса, ўнгга бурилиб кетади.

Ҳозирги вақтда бизнинг вазифамиз, деди нотиқ, — мамлакатда бошланган жараённи, мулоқотни сақлаб, қолиш, уни давом эттириш, тўхтатиб қўймасликдан ва шу билан демократияни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. У айтганидек, ҳозир съезддаги вазият ошкора ғашига тегаётган, шай бўлиб турган кучларни қўзғатмаслик муҳимдир. Дадил даъватлар, халққа айтилаётган норозиликлар, бевосита намойишга чиқишга қилинган даъватлар вазиятни издан чиқаришгагина қодир бўлиб, съезд ишига ва умуман бутун қайта қуришга халақит беради, деб ҳисоблайди депутат.

Ю. Н. Афанасьев ва Г. Х. Поповнинг нутқлари бизни сайлов масалаларига қайтарди. Уларнинг сўзларида анчагина оқилона фикрлар бор ва холис бўлмаган кишигина буни кўришни истамайди, деди депутат **Е. В. Яковлев.** Ўйлашимча, мана шу фикрлардан чўчиш ва қандайдир даражада ғазабланишга ўрин йўқ, деди нотиқ. Залимиздаги аҳвол жамиятдаги аҳволни аниқ акс эттириб турибди. Бу умуман тўғри, бироқ ҳозир мана шундай вазиятдан қандай қилиб чиқиш тўғрисида ўйлаш ва энг аввало съезднинг номақбул ташкил этилган ишини тузатиш керак.

Сўнгра депутат аён бўлиб қолаётган фракциялар масаласига тўхталиб ўтди. Фракция — биз учун ғайриоддий, деярли романтик нарсадир, албатта, деди у. Аммо бирлашиш имконияти ҳали тугагани йўқ ва бирлашишга интилишимиз керак. Нотиқ сайланган СССР Олий Советининг составидан қсниқмаганлигини баён этди, депутатлар кимлар Олий Советда доимий, кимлар эса «одатдагидек» ишлаши тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Депутат **В. С. Образ** ўз нутқида эътиборни ветеранлар муаммосига жалб этди. Коллективлаштириш ва индустриялаш қийинчиликлари, репрессиялар, уруш азоб-уқубатлари ва вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш қийинчиликларини бошдан кечирган кишилар ўз қисмати шошилинч равишда яхшиланишига муҳтождирлар, — деди у. Нотиқнинг фикрича, ташкилий масалаларни чўзиб юборишга, «танқидга берилиш», митинглар ўтказишга даъватлар халқ съездда ўртага қўйишга топширган энг муҳим масалаларни ҳал этишни орқага суради.

Депутат мамлакатдаги вазиятга баҳо бериб, урушдан кейинги бутун давр мобайнида жамиятдаги барча кучларни бирлаштириш бунчалик зарур бўлган пайтни эслай олмайман, деди. У энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун «миллий, диний гуруҳга хос ва ҳатто синфий муддаолар» нуқтаи назаридан ёндашиш зарур, деган қатъий фикрни билдирди. Унинг фикрича, халқ иштиёқ билан ишлаши учун нималар қилиш кераклиги, тарбияни қай тариқа зарур даражага кўтариш мумкинлиги — муҳим масалалардандир. Депутат мамлакатимизда тарбия масалалари билан шу вақтгача деярли ҳеч ким жиддий шуғулланмади, деди. Тарбия соҳасида ўз концепциямизни яратиш, бу муҳим ишга олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, ниҳоят русча «таваккал»га чек қўйиш зарур. Энди митинглардан конкрет, катта ишга ўтиш пайти келди.

Залдаги вазият кўп жиҳатдан жамиятимизда ва мамлакатимизда вужудга келган вазиятни акс эттиради, деди қозоғистонлик депутат **Н. С. Петрушенко.** Мен депутатлардан энг аввало бундай мамлакатни бошқариш қанчалик мураккаблигини ва демократиядаги болаларча сўллик касаллигини бошидан кечираётган бундай одатдан ташқари съездни бошқариш қанчалик мураккаб эканлигини тушунишни илтимос қилишни истардим.

Съезддаги вазият кўп жиҳатдан бир қанча депутатларнинг албатта СССР Олий Совети составида бўлишга интилиши билан кескинлашганлиги нутқда таъкидланди. Нотиқнинг фикрича, вужудга келган муҳолифлик — съезд залидаги демократиялаш жараёнлари ҳар бир республикага татбиқан демократиялаш жараёнларидан кўп жиҳатдан орқада қолаётганлиги оқибатидир.

Сайловолди митингларида, сиёсий мунозара клубларида ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий равишда лавозимларни тақсимлаш кайфияти мени коммунист сифатида ва депутат сифатида ташвишга солмоқда, деди сўнгра нотиқ. Съездга тайёргарлик кўриш чоғидаги ташаббуслар учун мен ғоят ҳурмат қиладиган москвалик депутатларга лавозимларни Лужникидаги митингларда эмас, балки ушбу залда тақсимлаш учун айни биз; депутатлар вакил қилинганлигимизни эслатиб ўтишни истардим.

Бугун мана шу минбардан москваликлар тўғрисида, Москва делегацияси ҳақида кўп гапирилмоқда, деди ўз нутқида депутат **Л. П. Кравченко** аммо сизларни ишонтириб айтишим керакки, деди нотиқ, ҳеч қандай Москва фракцияси йўқ ва аминманки бундай фракция тузилмайди ҳам.

Депутатлардан Афанасьев, Попов ва Адамовичнинг нутқларига ўз муносабатини билдириб, депутат уларни демократиянинг изчил тарафдорлари деб ҳисоблаётганини таъкидлади. Аммо демократия, деди у, бошқача фикрловчиларга нисбатан сабр-тоқатли бўлишни тақозо этади. Бу депутатлар эса бошқача фикрловчиларга нисбатан шунчаки сабр-тоқатли бўлиш у ёқда турсин, балки съезддаги бошқача фикрловчи кўпчиликка нисбатан муросасизликни намойён этдилар. Бундай вазиятда демократия принципларини шу тариқа ҳимоя қилиш изчил эканлигига шубҳа билдиришдан бошқа илож қолмайди.

(Давоми иккинчи бетда).



СЎЗ УЧУН НАВБАТ



ЖОЙДАН ЛУҚМА



МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА

В. МУСАЭЛЬЯН, Э. ПЕСОВ суратлари (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

Ўртоқ Анатолий Иванович **Лукьянов** СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлансин.

ДЎСТЛАР УЧРАШГАНДА...

ТОШКЕНТ'89

29 май куни Тошкентда СССР ва АҚШдаги биродарлашган шаҳарларнинг биринчи учрашуви очилди. Ўзбекистон пойтахтига икки мамлакат биродарлашган шаҳарларининг 43 вакили келди. Булар — мэрлар, жамоат арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакилларидир. Тошкентликлар «Интурист» маданият-ахборот марказн биноси олдида америкалик меҳмонларни қўшиқлар, рақслар, ўзбек миллий музика асбобларининг садолари билан қутиб олдилар, бу ерда учрашувнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Ушбу маросимда неча юзлаб тошкентликлар ва АҚШдан келган меҳмонлар иштирок этдилар. Марказ биносининг айвонида Совет ва Америка рассомлари графикаси кўргазмаси, фото кўргазма очилди. Учрашув арафасида Тошкент билан Сиэтл ўртасида дўстлик радио кўприги ўрнатилди.

Мажлис аҳлига ташкилот комитети раиси, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов мурожаат этди. Ўзбекистон пойтахти 1973 йилдаёқ Американинг Сиэтл шаҳри билан биродарлик алоқаларини ўрнатган биринчи совет шаҳри бўлган эди, деб таъкидлади у. Мамлакатларимиздаги турлича сиёсий системаларга қарамай, бизнинг муносабатларимиз америкаликлар ва совет кишилари ўртасида муваффақиятли ҳамкорликнинг намунаси бўлиши мумкин. Кейинги йилларда Тошкент ва Сиэтлга неча ўнлаб делегациялар келиб кетишди, медицина ва маданият соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Тошкентда иккала шаҳардан келган кўнгиллилар Тинчлик боғини, «Сиэтл» кафесини бунёд этдилар. Мактаб ўқувчилари делегацияларн мунтазам тарзда дам Тошкентга, дам Сиэтлга бориб турибдилар. Сиэтлдан келган кўп болалар ўзбек оилаларида, уларнинг тошкентлик тенгқурлари эса америка оилаларида яшадилар.

Биродарлашган шаҳарлар Америка уюшмасининг президенти Р. Ньюхайзел СССРда ҳозир содир бўлаётган қайта қуришнинг тинчликнинг муҳим омили бўлган биродарлашган шаҳарлар ҳаракатини активлаштиришдаги аҳамиятини таъкидлади. Шу муносабат билан у ҳозир шу иккала шаҳарга делегациялар ва саёҳатчилар гуруҳларини жўнатиб туришни китоблар, фильмлар, ахборот материаллари юбориб туришни кенгайтириш учун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ имкониятлар борлигини уқтирди. Ана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш керак. Ҳозирги учрашув биродарлашган шаҳарлар ўртасидагина эмас, бошқа кўп шаҳарлар ўртасида ҳам дўстона алоқаларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш учун янги туртки бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов мажлис аҳлининг қарсаклари остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг учрашув қатнашчиларига юборган табрикномасини ўқиб эшиттирди. АҚШ президенти Ж. Бушнинг табрикномасини Р. Ньюхайзел ўқиб берди.

Чет эл шаҳарлари билан алоқалар совет уюшмасининг раиси И. М. Черепанов ўз нутқида Тошкентдаги учрашувнинг муҳимлиги ва долзарблигини таъкидлади. СССР халқ депутатларининг ҳозир Москвада бўлаётган съезди диққат марказида умуминсоний қадриятлар нуфузи турибди. Ҳозирги дунёдаги сиёсат худди ана шу қадриятлар асосидагина олиб борилиши мумкин. Бир-бирига ишонч ва иззат-ҳурмат бўлмаса, ҳозир социал-иқтисодий тараққиёт ҳам бўлмайди.

Мажлис аҳли Тбилиси шаҳри билан биродарлашган Атланта шаҳри мэри Э. Янг нутқини, шунингдек тошкентликларга яхши таниш бўлиб қолган Сиэтл мэри Ч. Ройер нутқини самимий кутиб олдилар.

Саҳнага тошкентлик мактаб ўқувчилари чиқадилар. Улар меҳмонларни инглиз тилида қутладилар ва Сиэтлда ўз тенгқурларидан ўрганган Америка ашулаларини

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ СЕКРЕТАРИАТИ

Апостол Вениамин Гаврилович — Чехов номли Кишинев рус драма театрининг бош режиссёри, Молдавия ССР.

Бочаров Михаил Александрович — Бутов биноқорлик материаллари комбинатининг директори, Москва шаҳри.

Варе Велло Иосифович — Эстония ССР Фанлар академияси тарих институтининг етакчи илмий ходими.

Ералиев Жолдасбой — «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг директори, Чимкент область, Қозоғистон ССР.

Игрунов Николай Степанович — Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари.

Кашто Александр Семенович — КПСС Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири, Москва шаҳри.

Крилова Зоя Петровна — «Работница» журналининг бош редактори, Москва шаҳри.

Кудараускас Сигитас Йозович — Каунас политехника институти кафедрасининг мудири, Литва ССР.

Мамедов Сулаймон Фарҳод ўғли — Озарбайжон Компартияси Кировобод шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Медведев Сергей Александрович — Қирғизистон кон-металлургия комбинатининг директори.

Назаров Талбак — Тожикистон ССР халқ таълими министри.

Назарян Спартион Егоевич — «Маралик» агрофирма-колхозининг раиси, Арманистон ССР.

Оразмуродова Оразгул Мухиевна — Серахс район марказий касалхонасининг болалар врачи, Туркманистон ССР.

Пирцхалашвили Зураб Георгиевич — Тбилиси электр вагон ремонти заводининг токари, Грузия ССР.

Плотниекс Андрис Адамович — П. Стучка номли Латвия давлат университетининг профессори.

Усмонов Рустамжон Қозоқевич — Фурқат номли 20-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР.

Шчербак Юрий Николаевич — ёзувчи, Украина Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Баъзиларимизга ортиқча такаббурлик — ҳам шахсий, ҳам биз ҳозир ишонч ҳосил қилган сиёсий такаббурлик туйғуси баъзан ҳалақит бермоқда, деб ўйлайман, деди депутат. Нотиқнинг фикрича, съезд ишининг моҳиятини бугунги кунда ана шу кайфиятлар белгилаб бермаслиги керак. Биз мамлакатда вужудга келган вазият сабаблари нимада эканлиги тўғрисидаги саволга етарли даражада тўлиқ жавоб қайтардик. Бироқ бугунги кунда бизнинг олдимизда нима қилиш кераклиги ва ишни қай тариқа амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги масала турибди. Кўпгина депутатларнинг нутқларида ана шу саволга — яхши ишлай олиш керак, деб жавоб берилди. Бусиз биз экономика муаммоларини ҳам, социал муаммоларни ҳам ҳал эта олмаймиз.

Бизга депутатлик мандатини ишониб топширган халқ бизга ишонади, бу мандат ҳақиқий сиёсатчиларга ишониб топширилди, деб ўйлайди, деди депутат **В. Й. Кириллов.** Сиёсат эса, деди нотиқ, — имконият санъатидир. Энг аввало шунга амал қилиш керак.

Нотиқ депутатларни самарасиз мунозарага вақтни кетказмай, балки тезроқ жамиятимиздаги турғунликнинг асосий сабабларини, барча кулфатларимизнинг — экономикадаги маҳкамачилик ҳукмронлиги сабабларини амалий муҳокама қилишга ўтишга даъват этди. Нотиқнинг фикрича, айни шу нарса нарх-навонинг ўз-ўзидан ошиб кетаётганлиги, жамиятни емириб, унга ёмон таъсир ўтказаётган тақчилликнинг ва шунинг оқибатида жиноятчилик кўпайишининг, товарлар сифати пасайиб кетаётганлигининг сабабидир. Маҳкамачилик ҳукмронлиги, деди сўнгра у, мамлакатда фан-техника ва технология революцияси тўхтаб қолганлиги, мамлакатимиз ривожланган мамлакатларнинг ҳом ашё манбаига айланаётганлигининг, экологик ҳалокатнинг сабаби ва пировард натижада давлатдаги миллатлараро кескинлик кучайишининг асосий сабаби бўлиб қолди.

Депутат ҳукмронликка қарши сиёсат билан шуғулланувчи махсус комиссия тузишни ва унга кузги сессиягача ҳукмронликка қарши тадбирлар планини, жумладан ҳукмронликка қарши қонунни тайёрлашни топширишни таклиф этди.

Биз мунозара бошлашга улгурмай туриб, бизни тўхтатиб қўйишга уриняптилар, деди днепродзержинскли депутат **С. И. Конев.** Ишлашга даъватлар 70 йилдан кўпроқ вақтдан бери янграмоқда, аммо бу даъватларга нима учун амал қилинмаётганлиги сабабларини аниқлашимиз керак. Чунки маъмурий-буйруқбозлик системаси истеҳкоми авайлаб сақланмоқда. Қабул қилинаётган қонунлар — чала-чулпа тадбирлар бўлиб, айни пайтда мамлакат иқтисодий ва экологик ҳалокат сари бормоқда, ноҳуш социал-сиёсий жараёнлар авж олмоқда. Агар қатъий чоралар кўрилмас экан, Польша намунаси кўрсатганидек, бундай жараёнларни тўхтатиш ғоят қийин бўлади.

Болтиқбўйи республикалари шанига кўпгина таъналар айтилмоқда. Бироқ у ерда анчагина қимматли тажриба тўпланган. Жараёнларни авж олдиришда республикалар ўртасидаги тафовутлар ислоҳотларни нормал амалга оширишга ҳалақит бермоқда.

Съездимиз иқтисодий муаммолари ҳал этишга нуқта қўйиши ва маъмурий-буйруқбозлик системасига барҳам бериши керак.

Лекин мана шу ғоят муҳим сиёсий масалани ҳозирча жойидан силжитишга муваффақ бўлинмаяпти. Бизни зўр бериб ҳокимиятни эгаллашга уринишда айбламоқдалар. Менинг тажрибам шуни кўрсатадики, бундай қилаётган кишилар аллақачон ҳокимиятни эгаллаганлар ва уни қўлдан бой беришни истамайдилар.

Қайта қуришнинг муваффақияти, деб таъкидлади депутат. Биз одамларнинг, айниқса социал жиҳатдан ҳимоя қилинмаган табақаларнинг эҳтиёжларини қанчалик ҳал эта олишимизга боғлиқдир.

Депутат **А. Н. Крайко** юксак минбарда туриб кўпчилик жипслашишдан манфаатдорлигини айтиш учун бу ерга чиқдим, деди. Ҳа, биз демократияни ўрганяпмиз, биз демократия жамиятимизнинг нормал ҳолати бўлиб қолишини истаймиз, бу съезд бизни кўп нарсага ўргатиши керак, деб сўзида давом этди у.

Нотиқ мамлакатнинг турли регионларидан сайланган депутатлар съездда эга бўлган имкониятларни шу позициялардан кўриб чиқди. У ана шу имкониятлар тенг ва вақт билангина бир хил чекланади, деб қатъий ишонч билдирди.

Съезд жипслашиш, жипслашганда ҳам принципиал, фикрларнинг хилма-хиллиги асосида жипслашиш съезди бўлиб қолиши зарур, деб давом этди у. Президиум ва залдагилар озчиликнинг фикрига ҳам анча эътибор билан қулоқ солишларини истардик. Президиум бизнинг устимизда турмаслиги керак, деб давом қилди депутат, у мана шу минбарга чиқаётганда нима дейишаётганига қулоқ солиши лозим, ана шунда бу ерда кўп муаммолар юзага келмаган бўларди.

Нотиқ мамлакатда ва ҳатто шу залда мавжуд бўлган барча кучлар Олий Советда фаол ишлай олмаслиги учун таассуф билдирди. Унинг фикрича, жумладан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари олий органда фаол ишдан четлашдилар.

Депутат айтганидек, Б. Н. Ельциннинг Олий Советга «кирмаганлиги»ни жиддий муаммо деб атади. Б. Н. Ельцин сингари кишилар қаердадир митингларда эмас, балки шу ерда, СССР Олий Советида мамлакатнинг сиёсий турмушида фаол қатнашишлари учун куч-ғайрат сарфлаш керак, деди нотиқ.

Депутат **Ч. Айтматовга** сўз берилади. Нотиқ съезднинг иши тўғрисида ўз таассуротларини ўртоқлашиб, ҳиссиёт ва экспромтларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани ва кўплигини қайд этиб, бир-биримизга тоқатли бўлиш ва умумий мулоқотнинг оқилона йўлларини топиш кераклигини уқтирди.

Нотиқнинг фикрича, Олий Совет Раиси доклад қилгандан кейин самарали мунозаралар бошлаб юборилиши мумкин бўлур эди, ҳозирча эса шошма-шошарлиқ содир бўлмоқда.

Нотиқ бизнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий турмушимиздаги мушкул, энг муҳим жиҳатлар хусусида Ю. Афанасьев ҳамда бошқа баъзи ўртоқларнинг нутқларида билдирилган ташвишга қўшилиб, съездда аввал бир масалани ҳал қилиб, сўнгра бошқаларига киришишга чақирди. У қилинган танқидга қўшилиб, амалий таклифлар ҳам киритиш кераклигини таъкидлади.

Депутат фракциячиликка қарши қатъий фикр билдирди, унинг сўзларича, фракциячиликда ижобий асос йўқ. Бизнинг барча ташвиш ва муаммоларимизни «маҳкам ушлаб олиб» ажралиш гирдобига ташланмаслик керак, деб таъкидлади у. Нотиқ муаммоларни оқилона ва изчил ҳал этишга чақирди. Съезднинг ҳис-ҳаяжон ҳаддан ташқари намоён бўлаётган руҳда давом этиши эса қайта қуришга наф келтирмайди.

Депутат **В. А. Пальм** илмфан билан шуғулланувчи киши сифатида агар амалда бошқа нарсалар, анча кучли жараёнлар содир бўлаётган экан, истаклар, туйғулар, талаблар ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, деб ҳисоблайди. У съезд ишида ёвуз ниятли ва холис ниятли депутатлар бор, деган моделга асосланмасликка даъват этди. Бу гап ихтилофлар бўлмайди, деган маънони билдирмайди, ҳозирдаёқ ихтилофлар бор. Аммо шуни яхши билиш керакки, депутатлар бу ерда ўз хоҳиш-иродасини эмас, балки турли ижтимоий табақалар ҳамда группаларнинг, турли миллатлар ва шу кабиларнинг намояндалари бўлмиш сайловчиларнинг манфаатларини ифода этадилар. Уларнинг манфаатларини билиб олиш ва амалий ечимларни топиш учун каттагина соғлом фикр талаб этилади. Агар биз ҳаммамиз бундан буён ортиққа ҳиссиётга берилиб кетмасак тўғрисида келишиб олсак, олдинга кўпроқ силжиймиз, деб давом қилди нотиқ.

Манфаатлар турлича бўлганида, қарама-қаршиликдан қочиб қутилиш қийин. Ҳамма нарса «болалар, келинг аҳил яшайлик» қабилида рўй беради, деб умид қилмаса ҳам бўлади. Аммо қарама-қаршилик сиёсий жиҳатдан маданиятли, ўзаро ҳурмат билан бўлиши керак. Мамлакатни у дуч келган вазиятдан халос этиш учун барча илғор кучларни жипслаштириш лозим.

Депутат **А. С. Самсонов** пойтахтда ўтаётган митинглар ва намойишлар хусусида Москва вакилларига мурожаат этди. У съезд ишлаётган вақтда уларнинг ҳар бири ўз территориал сайлов округининг сайловчилари билан учрашиб турсин, деб таклиф қилди. Нотиқ москвалик баъзи депутатларнинг фракциячилик позициясини қоралади.

Г. Х. Поповнинг нутқига келганда депутат унга мутлақо қўшилмайман, деди. Биз иш қилиш ўрнига демократик сафсатабозлик билан шуғулланаётганимиз, деди у. А. С. Самсонов Попов нимани талаб қилаётган бўлса шуни амалда ташкил эта олиши учун уни ўзи директор бўлиб ишлаётган Москвадаги биринчи соат заводига таклиф қилди.

Депутат **Т. В. Мошняга** съездни ташкил этиш борасида ва тайёргарлик босқичида, уни ўтказиш босқичида ҳам жиддий хатоларга йўл қўйилди, деган фикрни билдирди. У буни жамият ҳали демократияни ўрганаётганлиги билан изоҳлади.

У москвалик икки депутат — Афанасьев билан Попов нутқлари теварагида авж олиб кетган мунозара амалда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советига номзодлар кўрсатиш ишида ҳам, овоз беришнинг ўзини ўтказишда ҳам камчиликлар мавжудлиги сабабли юзага келганлигини қайд этди. Депутат келгусида ҳам СССР Олий Совети ва палаталарининг ишида шундай камчиликлар юзага келиши мумкин, деган ҳавотирлик билдирди. Бунга қандай қилиб йўл қўймаслик тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ ўйлаш керак. Нотиқнинг фикрича, аввало қандай масалаларни съезд, қайсиларини эса СССР Олий Совети ҳал қилишини аниқ белгилаб олиш зарур. Депутат кейинги босқичлардаёқ кўпгина процедура масалаларини ўтказишни соддалаштириш мақсадида дарҳол компьютер системаси ишлаб чиқилиши кераклигини ёқлаб гапирди.

Депутат бутун мамлакатга машҳур бўлган кўпгина иқтисодчи олимлар, сиёсатшунослар, юристлар, тарихчилар СССР Олий Совети составига кирмай қолганликларига қўшилмаслигини айтди.

Депутат **Г. Х. Попов** сўз олади. Бу ерда ҳеч кимнинг қайта қуриш манфаатларидан бошқа ҳеч қандай манфаатлари йўқ, деди у. Модомики, мен кимнидир танқид қилиб, кимгадир қўшилмаётган эканман, бунинг боиси у қайта қуришни истамаяпти, деб шубҳа қилаётганлигим эмас. Гап бошқа нарса ҳақида — қайта қуриш учун нима яхшироқлиги, қандай самарали йўлни танлаш кераклиги тўғрисида боряпти.

Нотиқ, ўзимнинг эрталабки нутқимда умуман «фракция» сўзини тилга олганим йўқ ва бир группа кишиларнинг муайян масалани ишлаб чиқиш йўлидаги уринишини фракция билан боғлаш нима учун кимгадир керак бўлиб қолганини тушунмаяпман, деб таъкидлади. Ҳозир энг муҳими, деди у, бунёдкорлик таклифларига, бундан буён нима қилиш кераклигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Нотиқ Ч. Айтматовнинг гапларига қўшилганини билдириб, биргаликда ишлаш имконияти бор экан, биргаликда ишлаш керак, деб таъкидлади.

Съезд музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлашга киришишни таклиф қилади. У депутат А. И. Лукьяновни шу лавозимга тавсия этиб, уни давлат ва совет қурилиши соҳасида билимли, тайёрланган, тажрибаси фойдали ва керакли киши, деб таърифлади.

А. И. Лукьянов номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **А. Д. Сахаров, Г. И. Фильшин, Г. В. Старовойтова, А. В. Оборин** иштирок этдилар.

Депутатлар депутат **А. И. Лукьяновни** СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлаш тўғрисидаги масалани 29 май душанба куни ўтказиладиган съезд мажлисига кўчириш ҳақида қарор қабул қиладилар.

Съезд президиумга 9 апрелда Тбилисида рўй берган воқеаларга боғлиқ тафсилотларни тафтиш қилиш учун депутатлар комиссиясининг составини хусусида таклифлар тайёрлашни топширди.

Т. Х. Гдлян бошлиқ тергов группасининг фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш учун СССР халқ депутатларидан иборат комиссияни тузиш ҳам таклиф қилинди. Ушбу масалани муҳокама қилишда депутатлардан **И. И. Заславский, Т. Х. Гдлян, В. А. Ярин, А. И. Баранов, Г. И. Янаев** сўзга чиқдилар.

Депутатлар президиумга шу комиссиянинг составини тўғрисидаги таклифни тайёрлаб, съезднинг тасдиқлаши учун тақдим этишни топширдилар.

* * *

26 май кечқурун депутатлар съезднинг секретариатини сайладилар ҳамда граждан-ларнинг съезд номига келаётган таклифларини, аризаларини ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилдилар.

* * *

СССР халқ депутатларининг съезди 29 май куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** эрталабки мажлисни оча туриб, депутатлардан бир группаси президиумга мурожаат қилиб, баъзи нотиқлар съезд минбаридан ўзини ўзи реклама қилиш учун фойдаланаётганликлари муносабати билан съезд ишини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси орқали бевосита трансляция этишни тўхтатишни таклиф этганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи съезднинг очиқ-ойдин олиб борилиши сақлаб қолинишини ёқлаб гапирди, съезд мажлисларидан бундан буён ҳам бевосита трансляцияни давом эттиришни таклиф этди.

Депутатлар бу таклифни қабул қилдилар.

Съезд СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига номзодни муҳокама қилишни давом эттирди.

Депутат **А. И. Лукьяновга** сўз берилади.

Нотиқ депутатлар унга аввалги мажлисда берган саволларга жавоб қайтариб, сўнгра СССР Олий Совети бўлажак фаолиятининг асосий йўналишлари хусусида ўз позициясини баён этиб берди.

Биринчиси. Мамлакатимиз ҳокимияти олий органининг шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларидан қолган юзаки, пасайтирилган, кўпинча хўжакўрсинчилик мавқеига абадий барҳам бериш керак. У турли нуқтаи назарларни, ҳар хил лойиҳаларни таққослаш, яъни одамлар ва сайловчиларнинг жамиқи мавжуд фикр-мулоҳазаларини аниқлаш имконини берувчи амалий, ишлайдиган, талабчан орган бўлиши керак. Энг муҳими эса, бу ерда жамиятда содир бўлаётган ишларга жуда қатъий реалистик баҳо бериш, барча етилган муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини излаб топиш имконияти бўлиши керак.

Иккинчиси. Жамиятимизни ривожлантиришнинг халқ депутатлари съезди ва Олий Советда муҳокама этиш ва ҳал қилиш учун ҳеч қандай ёпиқ муҳим муаммолари бўлиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Экономикани инсон мавқеси томон буриш, номутаносибликларни бартараф этиш, маблағларни сарфлаш, қарз бериш, нарх белгилаш, миллатлараро муносабатлар, экология вазияти, ҳарбий қисмлардан мамлакат ташқарисида фойдаланиш, аҳоли бирон бир табақаларининг, регионларнинг, экономика тармоқларининг ҳақиқий аҳволи, энг муҳими — ҳақиқий аҳволи. Энг асосийси эса ҳар қандай давлат органининг ёки мансабдор шахснинг жавобгарлиги ва яна бир карра жавобгарлиги. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳокимият олий органларининг доимо диққат марказида бўлиши керак. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда улар ҳокимият органлари бўлмай қолади.

Учинчиси. Бизнинг съездимиз ва Олий Советимиз — мамлакатимиз Советлари, шу жумладан маҳаллий Советлар 50 минг кишилик корпуси бутун эҳроминнинг фақат чўққиси эканлиги мутлақо равшан. Агар ҳозир Олий Совет ана шу органлар тўғрисида ғамхўрлик қилмас экан, у ҳолда биз амалда илдизларимиздан маҳрум бўлиб қоламиз. Советларнинг моддий-молиявий базасини тубдан мустаҳкамлаш, иттифоқ, республика органлари, маҳаллий органлар ўртасидаги ваколатларни, айниқса қишлоқ ва посёлка Советларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш пайти келганлигининг боиси мана шундадир. Бизнинг қишлоқ ва посёлка Советларимиз том маънода заифлашиб қолган. Мана шуларнинг ҳаммаси жуда яқин вақт ичида қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Тўртинчиси. Ҳар қандай демократик давлатда қонун ҳукмрон бўлиши лозим. Биз ҳар хил инструкцияларга, ижроия органларининг жуда муҳим масалаларни йўлга соладиган хилма-хил қарорларига ҳаддан ташқари ўрганиб қолганмиз. Жуда муҳим қонунларни пухта муҳокама этиш, умумхалқ муҳокамасига қўйиш ва улар юзасидан референдум ўтказиш керак. Аввало бу ерда биз ғоят катта иш қилишимизга тўғри келади. Энг оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 50 тага яқин янги қонун акти, биринчи навбатда пенсия ҳақидаги қонун, меҳнат тўғрисидаги қонун, ёшларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги қонун, уй-жой тўғрисидаги қонун, ер тўғрисидаги қонун, солиқ ҳақидаги қонун каби ҳужжатлар бўлиши керак.

Инсон ҳуқуқлари, ҳақидаги граждан ҳуқуқлари ҳақидаги бир қанча қонуни актлари ҳам бўлиши лозим. Матбуот эркинлиги ҳам, кўнгилли жамиятлар ҳам, касаба союзлари ва ҳоказолар ҳам шулар жумласидандир. Бунда жуда кўп иш, айниқса суднинг ролини ошириш борасида кўп иш қилиш керак.

Бешинчиси. Халқ депутатлари съезди ва Олий Совет ижроия органлари билан бошқа давлат органлари фаолиятини назорат қилиш маркази бўлиб қолиши керак. Бунда комиссияларимиз, конституцион назорат комитети ғоят катта роль ўйнаши лозим. Аммо энг асосийси — бунда кадрларга доир энг муҳим масалалар ҳал этилиши керак, асосийси — давлатимиздаги барча лавозимларга одамларни тайинлашдир.

Олтинчиси. Демократиямизни ҳимоя қилиш механизмлари тўла куч билан ишлатилиши керак. Бунда, менимча, жиноятчиликка қарши шунчаки қураш эмас, балки унга уруш очиш Умуминттифоқ давлат программаси даркор. Бу эса ҳозир бизни суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотни амалга ошириш борасидаги бутун ишни дарҳол жадаллаштиришга ундамоқда.

Ниҳоят, сўнггиси. Съезд, Олий Совет, унинг органлари ишини ошкораликсиз ҳам демократиясиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Умуман Олий Совет демократия, уюшқоқлик, ишчанлик намунаси бўлиши лозим. Бу ғап сайловчилар билан жуда қалин алоқа боғланишини, эҳтимол, ҳуқуқ, гражданларнинг мурожаатлари билан шуғулланувчи комиссиялар, депутатларнинг комиссиялари тузилиши кераклигини билдиради.

Энг муҳими, бирлик, жипслик, ишга шайлик масалаларида халқ бизнинг съездимиздан, Олий Советдан ўрнак олади. Жамиятни жипслаштириш вазифаси — бевосита депутатга тааллуқли вазифа бўлиб, биз шу вазифа учун ниҳоятда масъулмиз.

Сўнгра депутатлардан **А. А. Шчелканов** ва **А. И. Коноваловга** сўз берилди, улар процедура масалалари хусусида гапирдилар.

Депутат Коновалов съездга СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш регламенти лойиҳасини таклиф этди ва уни кўриб чиқишни сўради.

Раислик қилувчи бу фикрни қўллаб-қувватлади, аммо узоқ идрок этишни талаб қилувчи бундай муҳим масалани ҳал этишда шошилмасликни, уни халқ депутатларининг навбатдаги съездида кўриб чиқишни таклиф қилди.

Овоз бериш натижасида депутатлар шундай ёндашувга қўшилдилар.

Депутат **В. П. Носов** минбарга чиқади. У ўз сайловчиларининг хатини ўқиб берди, улар ана шу хатда депутатлардан Афанасьев, Попов, Адамовичнинг съездаги нутқларини қўллаб-қувватлашни сўрайдилар, «съездда ғоялар ва программаларнинг хилма-хиллигини, мухолифни ҳурмат қилиш ва ҳар бир кишининг эски система тазйиқидан ҳимояланишини» ёқлаб чиқадилар.

Депутат СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига А. И. Лукьянов номзодини қўллаб-қувватлаб, қуйидагиларни таъкидлади: буйруқбозлик-бюрократик аппаратни узилкесил тугатиш ва янги — дадил, ижодий, ташаббускор, ишчан, аппаратни вужудга келтириш учун, у оддий, кишиларга тушунарли, халққа арзонга тушадиган бўлиши учун ҳамма ишни қилиш керак.

Бугун биз давлатимиздаги амалда иккинчи киши лавозимига номзодни муҳокама қиляпмиз, деди депутат **А. И. Демидов.** СССР Олий Советига раҳбарлик қилишда унинг роли ғоят каттадир. М. С. Горбачев Совет Раиси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимларини қўшиб олиб борадиган шароитда эса бу роль яна ҳам кўпроқ ортади.

Нотиқ шу лавозимга даъвогарнинг фазилатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди. Унинг фикрича, у давлат қурилиши соҳасидаги мутахассис, шу соҳада амалий ғояларни жамловчи киши бўлиши керак. Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари мамлакатимизда машҳур инсон, Олий Совет ва унинг аппарати ишининг истеъдодли ташкилотчиси бўлиши лозимлиги шубҳасиздир, деди нотиқ.

А. И. Лукьяновнинг номзоди бенуқсон эмас, деб ҳисоблайман, деди сўнгра нотиқ. Депутат ўзининг шу фикрини съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги баъзи камчиликлар билан боғлади.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари бўлган депутатлар ва бошқа ўртоқлар учун мўлжалланган креслолар Съездлар саройининг саҳнасидан олиб қўйилганлигини маъқуллади, бироқ айни вақтда ана шу депутатлар ҳозир ҳам алоҳида ўлтиришганига эътиборни жалб қилди. Улар тегишли делегациялар билан бирга ўлтиришса яхши бўлади, деди у. Депутат СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайловни яширин овоз бериш йўли билан ўтказишни таклиф қилди.

(ТАСС).

ДЎСТЛАР УЧРАШГАНДА...

(Давоми боши биринчи бетда).

айтдилар. Очилиш маросимининг энг ёш қатнашчилари бўлган болалар боғчалари тарбияланувчилари кичик концерт қўйиб беришди, улар ўзбек ва америка рақсларини ижро этишганида зал аҳли уларни гулдурос қарсаклар билан олқишлади.

...Ҳамшаҳарларимиз Карл Маркс кўчаси якшанба кунлари дам олиш масканига айланиб кетишига ўрганиб қолишган. Аммо 29 май куни бу кўча ҳудди байрамлардагидек безатилган эди. Бу ерга неча ўнлаб столлар қўйилиб, дастурхонларга ўзбек палови, кабоб ва бошқа ўзбек миллий таомлари тортилди. Уларни энг моҳир пазандалар тайёрлашган эди. Америкалик меҳмонлар ана шу таомлардан татиб кўришди. Тушлик вақтида америкалик меҳмонлар учун ўзбек қўшиқлари ва оҳанглари янгради.

Шу куниёқ программанинг амалий қисми бошланди. Давра суҳбатида йигит-қизларнинг сафарларини уюштириш, ҳамжиҳатликни кенгайтириш, сийқаси чиққан ақидаларга барҳам бериш, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка оид муаммолар муҳокама қилинди.

Давра суҳбатидаги мунозаралар ҳамиша ошкоралик ва рўй-ростлик руҳида ўтади, энг асосийси — унда амалий суҳбат бўлади, ўз-ўзини танқид руҳида шуни тан олиш керакки, биродарлашган шаҳарлардан келган совет вакиллари ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўришган, деб бўлмайди. Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларнинг маданият соҳасидаги ҳамжиҳатликни кенгайтиришга, сийқаси чиққан ақидаларни бартараф этишга таъсири муҳокама қилинаётган секцияда сўзга чиққан Иркутск шаҳар ижроия комитетининг раиси Ю. Шкуропат, Мурманск шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Бережной ва бошқа бир қанча ўртоқлар худди «қилинган иш ҳақида ҳисобот» қилишга отлангандек ҳадеб дўстона алоқаларнинг пайдо бўлиш тарихидан гап очавердилар. Ҳа, бу мавзу муҳим. Лекин ишбилармон америкаликлар конкретроқ ва амалийроқ масалаларни муҳокама қилишга ўзларини чоғлаб келишган эди: биз деб сўрашди америкаликлар, мамлакатимизнинг ғарбий соҳилидан Иркутск шаҳрига Москва орқали эмас, балки айтайлик, Пекин орқали келсак бўлмайдими, ахир бу яқинроқ ва арзонга тушади-ку. «Интурист» идораси сафар ҳақида биз беш кун илгари эмас, балки бир ой илгари билиб олишимиз учун, ўз ишини ва режалаштириш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштирса қандай бўларкин?

Манфаатдор, қизиқишлар ўртасида тафовут бор, буни америкаликларнинг ўзлари бир қадар ойдинлаштириб беришди: сафарга чиққан америкалик харажатни ё ўзи кўтаради ёки турли жамиятлар сайёҳни маблағ билан таъминлайди, демак, бизга нисбатан улар ўзларини эркинроқ ҳис этишга одатланишган, бизда эса кўпчилик сафарлар давлат йўли билан планлаштирилади.

Аммо, ҳар қалай бир неча нотиқ сўзга чиққанидан кейин амалий, конкрет мулоқот бошланди. Бупи мазкур учрашувнинг дастлабки амалий натижаси десак арзийди. Мажлис аҳли, масалан, биргаликда матбуот-бюллетенини чиқариш масаласини қизғин муҳокама қилдилар. Ана шу бюллетенда биродарлашган шаҳарларда яшаётган дўстларнинг адресларини ва бошқа ахборотларни босиб чиқариш мумкин бўлур эди. Яна бир фикр ҳаммага маъқул тушди: Америкага ёки Совет Иттифоқига бораётган группалар тилни бирқадар ўрганишлари, ўша мамлакат географияси ва тарихидан бохабар бўлишлари керак. Ана шу ишнинг тафсилотини дарҳол муҳокама қилишга киришилди — ахир кўпгина қўшимча ахборот материаллари зарур бўлади-ку, буларни ким ва қай йўсинда етказиб беради?

Сийқаси чиққан ақидаларни бартараф этишда савдо қўл келади. СССР ва АҚШ савдо-саноат доиралари вакиллари учрашганида биродарлашган шаҳарлар савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка оид мунозарада ана шу мулоҳаза айтилди.

Учрашув қатнашчилари иккала мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга нималар тўғоноқ бўлаётгани ҳақида гапирдилар. АҚШ ҳукуматн СССРга саноатда қўлланилиши мумкин бўлган технологияларни сотишни чеклаб қўймоқда. Иккинчидан эса СССР АҚШдан кредит олиш имкониятидан маҳрумдир. Бундан ташқари, бизнинг мамлакатимиз Америка бозорида бошқа мамлакатлар сингари шароитларга эга эмас. Совет товарларига катта солиқ солинмоқда, бу солиқ баъзан 80 процентга ва бундан ҳам кўпроққа етмоқда. Бу давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мантиқига зиддир, АҚШдаги кўпчилик бизнесменлар ҳукумат совуқ уруш йилларида қабул қилган ана шу тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида конгрессга ўз таклифларини тақдим этмоқдалар.

Конгресс аъзоси Д. Бонкер, СССРда содир бўлаётган қайта қуриш, экономикани маҳаллийлаштириш Америкадаги кўпчилик бизнесменларнинг диққат-эътиборини тортаётганлигини таъкидлади. АҚШдаги минг нафардан кўпроқ савдо-саноат соҳасида ишлаётган кишилар совет шериклари билан қўшма корхоналар очиш истаги борлигини айтдилар. Биродарлашган шаҳарлар ҳаракати бунга яхши омил бахш этди.

Трентон шаҳридан келган бизнесмен Ш. Зейгер Совет-Америка қўшма корхоналари очиш тажрибаси тўғрисида сўзлади. У биринчи Совет—Америка корхонасини бунёд этишда иштирок қилишга журъат қилган дастлабки Америка бизнесменларидандир. Бу Москвада очилган ресторандир. Ҳозир у бир нечта Совет-Америка корхоналарининг шерик эгаларидандир. Бугун-эрта яна бир Совет-Америка ресторани очилади. СССРда содир бўлаётган ўзгаришлар мени илҳомлантирмоқда, деб таъкидлади Ш. Зейгер. Мен СССРда савдо учун барча имкониятлар бор, деб ҳисоблайман. Яхши савдо-сотиқ шериклари эса ҳеч қачон бир-бирлари билан урушмайдилар.

Шу куниёқ биродарлашган шаҳарлар мэрлари иштирокида матбуот конференцияси бўлди.

Учрашув программасига кўра мунозаралар бўлади, меҳмонлар саноат корхоналарига, колхозлар ва илмий муассасаларга борадилар. Америкалик меҳмонлар учун қизиқарли маданий тадбирлар ҳам тайёрланган.



Суратда: СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларн биринчи учрашуви қатнашчиларидан бир гуруҳ.

М. НАЗАРОВ суратн.

СССР ВА АҚШ БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ

ВАШИНГТОН – МОСКВА

Вилли УИЛЬЯМС,
Вашингтон шаҳрининг вице- мэри, АҚШ биродарлашган шаҳарлар уюшмаси директорлар кенгашн аъзоси:

— Америка Қўшма Штатларининг пойтахти—Вашингтон шаҳри делегацияси Тошкент учрашувига катта умидлар билан келди. Бу анжуман ўз моҳияти билан иккала мамлакат шаҳарларининг дўстлик алоқалари салномада муҳим воқеа бўлиб қолади. Учрашув ҳозир қизғин давом этмоқда. Учрашув программасига кўра қадимий шаҳарнинг Карл Маркс кўчасида ўзбек меҳмонноволиги катта дастурхонини кўриб, ундан баҳраманд бўлдик.

Тошкент учрашуви чоғида биз америкаликлар шаҳрингизнинг маданияти ва бугунги қайноқ ҳаёти билан яқиндан танишамиз.

Вашингтон ва Москва узоқ йиллардан буён яхши дўстлик алоқаларига муносиб ҳисса қўшиб, шаҳарларимиз биродарлашувига ижобий таъсир кўрсатяпти. Иккала шаҳар муниципалитетлари раҳбарлари биродарлашганликлари ҳақидаги ҳужжатларини имзолаши кўзда тутилмоқда. Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Костенко билан бу ерда келгуси режаларимиз ҳақида фикрлашяпмиз.

Вашингтон жаҳондаги Пекин, Дакар, Бангкок шаҳарлари билан биродарлашган. Москва навбатдаги биродарлашган шаҳар бўлади.

САМАРҚАНД—ОЛИМПИЯ

Марня СТЮАРТ ЛУКС АКСИ,
Олимпия муниципалитети аъзоси.

— Бизнинг Олимпия шаҳримиз Грециядаги ана шу номли шаҳар номидан олинган Самарқанд шаҳридан жуда олисда бўлсак ҳам бу қадимий днёр билан биродарлашяпмиз. Мен 1987 йилда туристик группа билан Самарқандга келишимнинг боиси иккала шаҳар кишилари 5 йилдан буён хат ёзишамиз. Мен Олимпиада инглизларга Самарқанд тарихи ва унинг ёдгорликлари ҳақида кўп ҳикоя қилиб бердим. Гўри Амир, Регистон, Шердор, Улуғбек мадрасаси ҳақида ўзим суратга олган диафильмларимни кўрсатдим. Мен делегация аъзоси,, Олимпия — Самарқанд биродарлашган шаҳарлар комитети раиси Герберт Фумэр билан Самарқандда биродарлашганлигимиз ҳақидаги шартноманинг имзолаш ниятидамиз.

Грециядаги Олимпия, Япониядаги Йоширо шаҳарлари билан биродарлашган АҚШдаги Олимпия бутун жаҳонга биродарлик қўлини узатмоқда.

Тошкент учрашувида Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Людмила Каюмова бизга ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкент шаҳрида АҚШ ва СССР биродарлашган шаҳарларининг биринчи Учрашуви умумий фаолиятимизда муҳим омил бўлиб қолади. Биз бу ерда жуда кўп масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал қилмоқдамиз.

• ПАХТАЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

МЕҲНАТ ВА БАҲО

ЁКИ ПАХТАКОР ХЎЖАЛИКЛАР БИЛАН ТОЛА ЧИҚИШИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШНИНГ НОМАҚБУЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

МАМЛАКАТДА амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот ва иттифоқчи республикаларнинг хўжалик ҳисоби ҳамда ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши (бунда ҳар бир республика улушининг асосий мезони яратилган миллий даромад ҳисобланиб, у регионал социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш манбаидир) шароитида долзарб социал-иқтисодий муаммоларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш маъносида фан ҳамда илмий-техника тараққиётининг роли, масъулияти ниҳоят даражада ошиб боради.

Очиқ айтиш керакки, бизнинг маҳаллий шароитларда бу вазифаларни амалга ошириш маълум мураккабликлар ва қийинчиликлар билан боғлиқдир. Бу, аввало кейинги саккиз йил мобайнида экономика самарадорлиги мунтазам равишда пасайиб борганлиги билан боғлиқдир. Бунинг натижасида ҳосил қилинган миллий даромад ҳажми кўзда тутилганидан саккиз миллиард сўм чамаси паст бўлди. Шунинг натижасида аҳоли жон бошига ҳисобланганда у 1988 йилда иттифоқдаги 2300 сўм ўрнига 1200 сўмга яқинни ташкил этди. Бу бир қатор социал муаммоларни ҳал этишни кескинлаштирдики, алоҳида позициялар бўйича мазкур соҳада Иттифоқ даражасидан икки ва ундан ҳам ортиқ марта орқада қолинди.

Ана шу негатив жараёнга агросаноат комплекси, айниқса қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг пасайиб кетиши жиддий таъсир кўрсатди. Самарадорлик энг сўнгги чегарага келиб қолган эди. Агар тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигида сарфланган капитал маблағнинг бир сўми ҳисобига маҳсулот етиштиришнинг ўсиши 83 тийинни, ўнинчи беш йилликда — 64 тийинни, ўн биринчи беш йилликда 20 тийинни ташкил этган бўлса, ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили ичида у ниҳояти 14 тийинга борди. Бу ҳолат қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволига ҳам таъсир этди, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилда иттифоқдаги даража — 175 сўм ўрнига 130 сўмни ташкил этди холос. Бу Иттифоқда энг охирги ўриндир. Қишлоқ хўжалиги ва авваламбор бутун пахтачиликнинг ривожига табиат мувозанатини бузиш оқибатида атроф-муҳитнинг айниши натижалари таъсир кўрсатдики, бу республикамизда энг хунук шаклда намоён бўлди. Экология жиҳатидан ҳимоя қилинмаганлик, социал нуқсонлар, иқтисодий таназзул ва илмий-техника тараққиётининг кутилган натижаларни бермаслиги ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ана шу нуқсонлар ҳаммаси жам бўлиб, пахтачиликни жазб этмайдиган ва иқтисодий жиҳатдан кам самарали фаолиятга айлантириб қўйди. Республикада мавжуд бўлган улкан илмий потенциал пароканда ҳолатга келди ва у лозим даражада ишга солинмади. Бу нуқсонларга пахтакор меҳнатига пахта толасининг чиқишига қараб ҳисоб-китоб қилиш орқали баҳо бериш ҳам аҳволни мушкуллаштирди. Бунда ҳам, бизнинг назаримизда, пахтакорлар манфаатига зарар етказилди.

Шу маънода кейинги вақтларда пахтакорлар меҳнати натижаларини адолатли баҳолаш хусусида пахтакорларнинг ўзлари ва жамоатчилик куйиниб гапираётгани мутлақо ўринлидир.

КЎП йиллик тадқиқотлар натижаси, илғор пахтачилик хўжаликлари тажрибаси ва кейинги йилларда ўтказилган иқтисодий экспериментлар пахтани тайёрлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган барча вазифаларни хўжаликларнинг ўзи ҳал этиши асосида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қайта қуриш зарурлигини тақозо этади. Бундай қайта қуриш XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, йўл-йўриқларига ҳам, КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг пудрат формаларини кенг ривожлантириш тўғрисидаги қарорига ҳам мос келади.

Юқорида айтилган қайта қуриш яна шунинг учун ҳам зарурки, кейинги ярим аср мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларида жиддий ўзгаришлар рўй берди, аммо пахтани тайёрлаш усул ва услублари дастлабкисича сақланиб қолаверди ва ўттизинчи йиллардан бери амалда ўзгартирилмади. Бу эса ниҳоятда катта ҳажмдаги ўгириқлар, ҳисоб-китоб ва ҳисобдорликни бузишнинг ташкилий системаси пайдо бўлишига олиб келдики, улар республикага улкан моддий ва ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган маънавий зарар етказди.

Шуни айтиш керакки, республика иқтисодчи олимлари хўжаликларнинг тайёрлов ташкилотлари воситачилигида пахта тозалаш саноати билан иқтисодий муносабатларининг ҳозирда мавжуд бўлган хом-хатала системаси юқорида айтганимиз хавфли номатлуб тенденцияларни келтириб чиқаришга имконият яратиб беришини бундан 25 йил муқаддам кўрсатиб ўтган эдилар.

Бу ерда асосий камчилик шундаки, эллигинчи йиллар охирларида тайёрлов пунктларида кучли қуритиш-тозалаш цехлари қурилиши бўйича ташкилий тадбирлар бирон-бир сезиларли иқтисодий натижалар бермади ва қишлоқ хўжалигини пахтани қуритиш ва тозалаш, уни кондицияга етказиш ва давлат стандарти талабларига мувофиқ топшириш бўйича бевосита вазифаларидан маҳрум қилди. Аслида пахта етиштирувчилар ўз маҳсулотидан ажратиб қўйилди.

Бунинг устига пахтани кўп марталаб ғарамлаш ва нам, ифлос хом ашёни транспортдан тушириб, ортиш унинг сифатини ёмонлаштирди, пахтага нормадан ташқари аралашган хас-хашакларни ташиш ҳажмларини ва пахтанинг физик массаси составидаги намликни ошириб юборди. Республика бўйича

1988 йилда жами тайёрланган пахтанинг намлиги ГОСТ нормасидан 60—70 процент, ифлослиги эса 50 процент юқори бўлган. Қорақалпоғистон АССР ва Сирдарё областида бу кўрсаткичлар юқоридагидан ҳам ночор бўлган. Ҳозирги вақтда ҳисобдан чиқариб ташланадиган ана шу «даҳмаза» — хас-хашаклар республика бўйича 500 минг тоннадан кўпроқни ёки бутун тайёрланадиган пахтанинг 10 процентини ташкил этади ва давлатга ноишлаб чиқариш харажатлари маъносида 20 миллион сўмларга тушади. Агар 1960 йилда бир тонна пахтага сарфланган тайёрлов-транспорт харажатлари 15 сўмга яқинни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда у 38—40 сўмга кўтарилиб кетган. Бундан ташқари, хўжаликлар топширадиган нокондицион пахтани қуритиш ва тозалаш учун улардан ушлаб қолинадиган кўп миқдордаги маблағлар йилдан-йилга ўсиб боради. Бу хўжаликларнинг шундоқ ҳам оғир бўлган молиявий аҳволини янада мушкуллаштирди. Фақат 1987 йилнинг ўзида пахтачилик хўжаликларидан ўша операциялар учун 35 миллион сўм ушлаб қолинди.

Турғунлик даврида «нима қилиб бўлса ҳам планни бажариш»ни талаб қилишлар, ҳар куни намлиги ва ифлослиги чегарасиз бўлган пахтани топшириш планининг тиғиз назорат қилиб турилганлиги хўжалик раҳбарлари, тайёрлов пунктлари ҳамда пахта заводлари олдида мураккаб, зиддиятли ва жиноий хавфли вазиятни юзага келтирар эди. Ана шундай шароитда қарор топган иқтисодий механизм уларни номатлуб оқибатларга олиб келувчи қўшиб ёзишларга рағбатлантиргандек бўларди.

Партия ва совет органлари ҳар куни планни зўрма-зўраки бажаришни талаб этишлари, пахта тайёрлаш пунктларининг раҳбарлари хом ашёнинг юқори ифлослиги ва намлигича топширишга монелик қилмасликлари хўжалик ҳаётини боши берк кўчага киргизиб қўйди.

Шундай қилиб, пахтачилик пахта тозалаш саноатига иқтисодий ва молиявий жиҳатдан қарам бўлиб, камситилган бир аҳволга тушиб қолган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб қишлоқ меҳнаткаши гарданига оғир юк бўлиб тушди.

КАРОР топган бу мураккаб вазиятни бартараф этишга уриниб, 1984 йилда фақатгина республикамиз хўжаликлари билан ҳисоб-китобни амалда тола чиқиши бўйича амалга ошириш экспериментига ўтказилди. Бу муайян даражада интизомни ва хўжаликлар масъулиятини оширган бўлса ҳам, умуман олганда ҳаётда қўлланганда чала-чулпа, нокомплекс тадбир бўлиб чиқди.

Юқорида тилга олинган экспериментга кўра хом ашё учун ҳақ тўла қиймати бўйича эмас, балки фақат харид нархининг 90 проценти миқдорида тўланади. Бу шу билан изоҳланадики, хом ашёни қабул қилиш вақтида пахтадан қанча тола чиқишини етарли равишда аниқ белгилаб бўлмаслиги туфайли хом ашё қийматининг 10 проценти ушлаб турилади ва агар планда белгиланган тола чиқиши таъминланса, қийматнинг қолгани хўжаликларга тўланади. Акс ҳолда ўша сумманинг атиги ярми хўжаликка қайтарилади, қолгани пахта заводлари ихтиёрида қолаверади. Агар амалда тола чиқиши планда кўзда тутилганидан ортиб кетса, хўжаликлар пландан ташқари чиққан тола қиймати суммасининг 80 процентини, пахта заводлари эса 20 процентини олардилар. Шу ўринда нима учун пахта заводлари пландан ташқари олинган тола суммасига даъвогар бўладилар деган қонуний савол туғилади. Бундай нисбатнинг ўзи қандай методологик принциплар асосида белгиланган? Ахир пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга сарфланадиган харажатлар мажмуидан пахта тозалаш саноати зиммасига атиги 5 процент сарф-харажатлар тўғри келади-ку. Ана шундай шароитларда пландан ташқари тола қиймати суммасини тармоқ фойдасига ҳисоблаб ўтказиш умуман тўғри бўлармикин? Етиштирилган бутун пахта ҳосилини сифатли қилиб қайта ишлаш тармоқнинг бевосита вазифаси эмасми ахир! Нега у бунинг учун рағбатлантирилиши керак. Пахтакорлар маблағини зулукдай «сўриб олиш» механизми ахир қачон парчаланиб ташланади?

Амалда кўпгина ҳолларда турли баҳоналар билан ушлаб қолинган ўша 10 процент сумма ҳам хўжаликларга қайтарилмайди. Ана шуни биринчи бор бошдан кечирган хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар бу ҳақда асосли қайғуриб гапирмоқдалар. Масалан, Сурхондарё областининг Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозга 1985 йил ҳосили бўйича 2,9 миллион сўмни ташкил этган ўша ушлаб қолинган сумма мутлақо қайтарилмади. Бундай мисол яккаю ягона эмас.

Кўриниб турибдики, ўзаро ҳисоб-китобнинг бундай механизми ташқи кўринишдан ҳар қанча мантиқий туюлса ҳам, намлик ва пахтанинг ифлослиги кўрсаткичларини сирли равишда кўпайтириб кўрсатиш ҳамда пахтанинг сортини пасайтиришдан тайёрловчилар манфаатдор эканлигини муқаррар келтириб чиқаради. Чунки аёа шундай қилинганда кўп тола олиш учун махфий имконият яратилади ва бунинг орқасида тайёрловчилар ўзининг молия қувватларини мустаҳкамлаб олади. Сирдарё ва Қашқадарё областларининг айрим пахта тозалаш заводлари текширилганда ана шундай фактлар аниқланган ҳам. Чунончи, агар 1980 йилда республика бўйича тола чиқиши 29,1 процентгача пасайган бўлса, 1987 йил ҳосилидан (пахтачилик учун ноқулай келган йилда) планлаштирилган 30,7 процент ўрнига, амалда тола чиқиши 32,2 процент бўлганлиги аниқланган, 1988 йилнинг сентябрь—декабрь ойларида эса бу кўрсаткичлар шунга мувофиқ 31,7—32,2 процентни ташкил этди. Бунда колхоз ва совхозлар тола чиқишини белгилашда иштирок этиш ва қайта ишлашнинг технология жараёнига аралашиш имкониятидан амалда маҳрумдирлар. Бу ишлар пахта тозалаш заводларининг тўла монополиясига айланган, тола чиқиши кўрсаткичларини белгилаш уларга боғлиқ бўлиб қолган. Буни шу нарса тасдиқлайдики, пахта тозалаш саноати бор-йўғи уч йил мобайнида зарар келтирувчидан олаётган фойдаси тадрижий равишда ўсиб борувчи юқори рентабелли тармоққа айланди. Чунончи, агар 1980 йилда тармоқ бор-йўғи 21,5 ярим миллион сўм фойдага эга бўлган бўлса, 1986 йилда фойда кўрсаткичи қарийб 200 миллион сўмни, 1988 йилда эса 189 миллион сўмни ташкил этди. Экономикада бундай «мўъжиза»лар нодир воқеадир. Айни вақтда зарар келтирадиган ва паст рентабелли пахтачилик колхозлари ва совхозлари сони пахта тозалаш корхоналарига қараганда анча секинлик билан камаймоқда.

Пахта тозалаш заводларининг харид нархидан 10 процент ҳажмдаги суммани батамом тўламасликлари хўжаликларни Узагропромбанк кредитларидан фойдаланишга мажбур қилмоқда. Бундай кредитлар 1987 йилнинг ўзидагина 450 миллион сўмга борди, яна хўжаликлар бу сумма учун йилига банкка 5 миллион сўм процент тўлайдилар. Демак, қарор топган бундай аҳвол колхоз ва совхозларни нотенг молиявий аҳволга солиб қўйди, аниқроғи улар пахта тозалаш заводларига қарам бўлиб қолдилар. Бундай шароитларда банд бўлмаган қўшимча маблағларга эга бўлган (улар колхоз ва совхозларга харид нархининг тўланмаган қисми ҳисобига тўпланган) пахта тозалаш заводлари эса процент ҳисобида ана шу кредит ресурслари учун банк муассасаларидан йилига 2,5 миллион сўм ҳажмида қўшимча пул оладиган бўлдилар. Хўжаликлар билан ҳисоб-китоб хом ашёни қабул қилиб олаётган вақтдаёқ амалга ошириладиган эски система вақтида пахта заводлари банк кредитидан фойдаланганликлари учун йилига 11,2 миллион сўм тўлашга мажбур эдилар. Ана шу ҳолатда ҳам мазкур механизм пахта тозалаш саноати фойдасига мослаштирилган эди.

Бу тола чиқиши бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тартибига ўтишга шошма-шошарлик билан, ўйламасдан, асосланмаган равишда ёндашишнинг натижасидир.

Шуни айтиш керакки, айрим мутахассислар, айниқса республика Давлат агросаноат комитети ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими мутахассислари баҳо қўйиш ва ҳисоблаб чиқишда тола чиқиши кўрсаткичи «бенуқсон»лигини оқлаш учун шу усул жорий қилинганидан бери пахта толаси чиқиши кескин кўпайганлигига қайсарлик билан ишонтирмоқчи бўладилар. Тўғри, ҳақиқатан ҳам 1978 йилдан бошлаб қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик авж олганлиги муносабати билан нафақат пахтачиликда, балки бошқа соҳаларда ҳам (фақат бизнинг республикамиздагина эмас, бошқа регионларда ҳам) турғунлик йилларида пахта толаси чиқиши системали равишда пасайиб борди: 1975 йилдаги 32,46 процентдан 1983 йилда 25,7 процентга тушиб қолди. Бироқ юқорида тилга олинган пахта толаси чиқиши кўрсаткичи деб аталмиш «янгилик» натижасида ҳам «турғунлик» даврига бўлган вақтдаги даражага эришилмади. Ўша вақтда, яъни 1965 йилда тола чиқиши 33,9 ва 1975 йилда 32,46 процентни ташкил этган эди. Демак, тола чиқишининг кўпайиши (1987 йилда 31,9 процент) хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишда пахта толаси чиқиши кўрсаткичи асосидаги янги системага ўтишнинг натижасидир, деб айтишга мутлақо ҳеч қандай асос йўқ.

АМАЛИЁТНИНГ кўрсатишича, рўй берган ижобий силжишлар тартиб, қатъий партия ва давлат интизоми, ҳисоб-китоб ва ҳосилдорликнинг ўрнатилиши, ишлаб чиқариш ва тақсимот устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасидир. КПСС ва Совет ҳукуматининг мамлакатни кризис ҳолатидан чиқаришни таъминлашга қаратилган сўнгги йилларда амалга оширган бу тадбирлари пахтачиликда, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам иқтисодий ва маънавий жонланишга олиб келди. Ҳозирги вақтда республикада бригадалардаги пахтани қуритишда фойдаланиладиган асфальтланган майдонлар 12 ярим минг гектардан ортиқ унумдор майдонларни эгаллаб ётибди. Бригадалардаги қийматни қарийб 40 миллион сўм турадиган 13 мингдан ортиқ кўрак тозалаш машиналарида 10 мингдан ходимлардан самарасиз фойдаланилади. Шуни айтиш кифояки, агар бригадалардаги кўрак тозалаш машиналарида бир тонна III—IV сортдаги пахталарни қайта ишлашга тўланадиган меҳнат ҳақи 44 сўмни ташкил этса, улар қуритиш-тозалаш цехларида марказлаштирилганда бу ҳақ бор-йўғи 2 ярим сўмни ташкил этади, мавсумда бир ходим бажарган иш ҳажми эса 12 ярим тоннадан 130 тоннагача кўпаяди.

Республиканинг пахтачилик колхоз ва совхозларида ўтказилган иқтисодий эксперимент натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тайёрлов функцияларини хўжаликларнинг ўзига беришдан келадиган умумий иқтисодий самара йилига 590—600 миллион сўмни ташкил этиши ва ҳозирги вақтда бригадаларга қуритиш майдонлари ва далаларда кўрак тозалаш машиналари банд қилиб турган 10 минг гектардан ортиқ бир ярим — икки минг гектарини экин учун бўшатиб олиш имконини беради.

Юқорида тилга олинган икки хўжаликда ўтказилган эксперимент яхши натижа берганлигига қарамай, республика Давлат агросаноат комитети, айниқса «Хлопкопром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти пахтачиликдаги иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуришга атайин лоқайдлик билан қарамоқдалар. Чунончи, республика Давлат агросаноат комитети Хоразм «Хлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасига Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида пахта тайёрлашнинг янги системасига ўтишни амалда тақиқлаб қўйди. Бу, яқин ўртада янгиликка ўтиш ҳақида ўйланмаётгани ва эскичасига ишлайвериш давом этиши тарафдорлари ниятини кўрсатмайдими? Шу ўринда В. И. Ленининг ғазаб билан айтган қуйидаги фикрлари беихтиёр эсга тушади: «...бу резолюцияга (РКП(б) X съезднинг ГОЭЛРО бўйича резолюцияси —**мақола автори изоҳи**) қилинаётган муносабат, уни минг мақомга солиб «изоҳлашга» уриниш, ҳатто ундан юз ўгиришгача бориб етиш — идораларимизда, айниқса унинг юқори қисмида кассал борлигини, ҳам бюрократик, ҳам интеллигентлик касали борлигини жуда яққол кўрсатиб берди...» Пахтани тайёрлаш ишида янги системага ўтишга юқоридаги каби муносабат ҳам шунга ўхшаб кетади.

Ҳозирги вақтда республикада 560 та тайёрлов пунктлари бўлиб, шундан 123 таси заводлар ёнидадир. Буларга 1200 хўжалик пахта топширади. Ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, пахта тайёрлаш системасини қайта қуришни бизнинг назаримизда босқичма-босқич амалга ошириш лозим бўлади.

Бизнинг ҳисоб-китобларимиз кўрсатишича, истиқболда қўшимча равишда 90 та пахта тайёрлаш пункти қуриш талаб этилади. Унга сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 90 миллион сўмга яқинни ва қурилиш учун ажратиладиган майдон 900 гектарни ташкил этади. Умумий харажатлар, ҳисобдан чиқарилган 13 мингта кўрак тозалаш машиналарини ҳам қўшганда, 130 миллион сўмга боради. Бу қўшимча харажатлар норматив муддатларда қопланади, зеро йилига олинадиган иқтисодий самара 600 миллион сўмни ташкил этиши керак.

Қуритиш-тозалаш қувватларини бевосита хўжаликларга бериш муносабати билан республика учун яна бир муҳим вазифани ҳал этиш имконияти пайдо бўлади. Яъни, пахта пунктларининг бўшаб қоладиган майдонларида дон, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни сақлаш ,кўклам даврида эса пилла қуртларини ўстириш мумкин бўлади. Шу пайтгача пилла етиштириш мослашмаган шароитларда, қишлоқ аҳолисининг яшаб турган уй-жойларида амалга оширилиб келади. Бу, оқибатда маиший турмушда антисанитария ҳолатлари, одамларнинг касалланиши келиб чиқишига ва ишлаб чиқариш маданияти пастлигича қолишига сабаб бўлаётир.

Фан республикада пахта тайёрлаш системаси иқтисодий механизмини пахтачилик ва саноат ўртасидаги функцияларни чегаралаш асосида босқичма-босқич қайта қуришни тавсия этади Пахтани тайёрлаш, қуритиш-тозалаш ва сақлаш функцияларини хўжаликларга бериш, ташиш, қайта ишлаш ва реализация ишларини пахта тозалаш заводлари зиммасига юклаш, демак бу билан икки бўғинли бошқариш системасига ўтиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, пахтачилик комплекси тайёрлов системасида иқтисодий муносабатларни партиямизнинг ҳозирги аграр сиёсати талаблари асосида такомиллаштириш ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, ҳам маҳсулот етиштиришнинг пировард натижаларидан бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини оширади. Бу муаммони республикадаги тегишли ташкилотлар пайсалга солмай тез ва пухта ҳал этсалар айни муддао бўлур эди.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг раиси, республика Фанлар академиясининг академиги

ИШБИЛАРМОН РАҲБАРЛАР МАКТАБИ



Самарқанд шаҳрининг турли корхоналаридаги раҳбарлардан 40 нафари ишбилармонлар мактабига қатнаш истагини билдирибгина, рўйхатга ёзилдилар. Улар область фан-техника жодкорлиги координацион марказида замонавий раҳбардан талаб қилинадиган муҳим сифатларни ўзлаштириб олмоқдалар.

Ўқиш жараёнида улар бошқарув жараёнларини компьютерлаш амалиётини ўрганадилар, банк ишлари юзасидан зарур билимлар оладилар, тегишли малака ҳосил қиладилар.

Тингловчиларда компьютерлаш соҳасидаги машғулотлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Суратда: ишбилармон раҳбарлар мактабида машғулот пайти.

Р. ҒАФУРОВ сурати (ЎзТАГ).

● **Тошкент Давлат университетида бу галги меҳмонларни зўр қизиқиш билан кутдилар: ахир, бундай учрашувлар бу ерда илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Университетга Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети бошқармасининг бошлиғи Ж. Муртазоев, тергов бўлимининг бошлиғи Г. Биндасов, комитет бўлимларининг бошлиқлари Б. Бозоров, А. Эшонқулов ва бошқа ходимлар келишди.**

Б. Бозоров йиғилиш аҳлини ҳозирги шароитда давлат хавфсизлиги органлари ишининг асосий йўналишлари билан таништирди.

— Кейинги вақтларда гўё биз Ғарбнинг махсус хизмат маҳкамалари, «қандайдир чет эл агентлари» билан одамларни чўчитаётганлигимиз тўғрисида ҳар хил фикрлар эшитилмоқда, — деди у. — Реал воқеа шундан иборатки, ана шу маҳкамаларни ҳеч ким тарқатиб юбормаган. Улар ўзларининг душманлик фаолиятини кучайтирмоқдалар, халқаро муносабатлардаги иллиқликдан фойдаланишга, қайта қуришга тўсқинлик қилишга уринмоқдалар.

Республикага келаётган чет эл гражданлари — туристлар, олимлар, мутахассислар, студентлар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқига нисбатан дўстона кайфиятдадир. Аммо шундай кишилар ҳам борки, уларнинг хатти-ҳаракатлари қонун доирасидан чиқиб кетади.. Чет эллардаги совет гражданларига нисбатан иғвогарликлар тез-тез учраб турибди.

Ғарбдаги бир қанча мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари, қўпорувчилик билан шуғулланувчи идеология марказлари мамлакатимизда яширин, ярим ошкора ва ҳатто ошкора ташкилотлар тузилишини бутун чоралар билан рағбатлантирмоқдалар. Ана шу ташкилотлар ўша марказларнинг кўрсатмаси билан иш кўраётганликларини ҳатто ўзлари ҳам билмайдилар. Айрим сафсатабозлар эса миллий ҳис-туйғуларни қўзғатиб, ўзларининг экстремистик хатти-ҳаракатлари билан махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатдаги сиёсий вазиятни издан чиқариш борасида актив фаолият олиб бориши учун реал шарт-шароит яратиб бермоқдалар.

Ана шундай гуруҳлардан бири — «Демократик иттифоқ», деб аталиб, унга илгари давлатга қарши фаолияти учун судланган ва Советларга қарши марказлар билан алоқа боғлаб турувчи кишилар бошчилик қилмоқда. Улар демократиялар жараёнидан Совет давлати ва ижтимоий тузумга душманчилик мақсадларида фойдаланишга уринib, одамларни маъмурлар билан тўқнашувга ундамоқдалар, коммунистлардан ўч олишга даъват этиб, ёшларни ўз таъсирига олишга интилмоқдалар.

Кейинги вақтларда республикамизнинг бир қанча районларида ҳам баъзи масъулиятсиз шахслар социализмга қарши, миллатчилик тусидаги ва шариатнинг энг эскирган қонун-қоидаларига амал қилмаётган ўзбек хотин-қизларига дўқ-пўписалар баён этилган варақалар тарқатдилар.

Буларнинг ҳаммаси эса аслида чет эллардаги мафкуравий қўпорувчилик марказлари СССРга қарши фаолияти программасининг такрорланишидир. Машъум «Озодлик» радиосининг Мюнхендан ўзбек тилида эшиттиришлар берадиган бўлинмаси ислом давлати тузиш тўғрисидаги фикрни тиқиштиришга тобора фаолроқ уриниб, миллатчилик кайфиятларини авж олдирмоқда, иғвогарона шов-шувларни зўр бериб тарқатмоқда.

А. Эшонқулов ўз нутқида ўлкада хавфсизлик органларининг қарор топиш тарихи тўғрисида, чекистларнинг Совет ҳокимияти йилларида тўпланган шонли жанговар анъаналари ҳақида, республика Давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари ҳозирги вақтда ҳам ана шу анъаналарга содиқ бўлиб қолаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

Давлат хавфсизлиги органлари ижтимоий-сиёсий тузумимизни ташқаридан, шунингдек, мамлакат ичкарисидан бўладиган ҳар қандай душманлик ҳамлаларидан ҳимоя қилиб, жиноятчиларнинг йўлини тўсмоқдалар. Иғвогарлар эса Давлат хавфсизлик комитетининг кучи омма билан алоқада эканлигини тушуниб, бундай алоқани узиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Ана шу нутқлардан кейин мулоқот бошланди. Студентлар ва ўқитувчилар ҳозирги кунининг долзарб муаммолари тўғрисида комитет ходимларига саволлар бердилар. Уларнинг саволларига батафсил холис изоҳлар берилди. Комитет ходимлари чет эл махсус хизмат маҳкамалари иғвогарлик материаллари: варақалари бўлган ва пинҳона келтириладиган китоблар, яширин чўнтаги бўлган кийимкечаклар, хизмат ёзишмаси тариқасидаги мактубларни мамлакатимизга юбориш учун қай тариқа ҳийла ишлатаётганликларини намойиш қилиб бердилар.

— Давлат хавфсизлиги комитетида совет кишиларининг чет эл гражданлари билан ёзишмаларини ўқишадими? — деб сўради студентлардан бири.

— Йўқ ва бундай қилиш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслар, — деб жавоб қайтарди Г. Биндасов. — Фақат тергов манфаатларини кўзлаб, фавқулодда ҳолларда прокурорнинг рухсати билан шундай қилиш мумкин.

— Нима учун одамлар сизлардан қўрқишади? — ана шундай ёзма савол тушди.

— Ҳалол одамлар бизлардан қўрқишмайди, — деб қатъий жавоб берди Ж. Муртазоев, — чунки, биз одамлар манфаатларини қўриқлаймиз. Шунинг учун улар зарур бўлганда ёрдам сўраб бизга дадил мурожаат қиладилар.

Учрашув узоқ давом этди. Пировардида хавфсизлик органларининг ходимлари жамоатчилик билан тез-тез учрашиб туришлари, ўз фаолиятлари хабардор қилиб туришлари ҳақида таклиф билдирилди. Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари бу фикрни маъқулладилар.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

РЎЙ-РОСТ МУЛОҚОТ

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ СТУДЕНТЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

СПОРТ

ГИМНАСТИКА:

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИДА

Одессада «Черноморская коммуна» газетаси соврини учун спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида турли шаҳарлардан келган ёшлар ўзаро баҳслашдилар. Спорт мастерлигига номзодлар программаси бўйича чиқишлар қилган тошкентлик Шуҳрат Мамадалиев муваффақият қозонди. Унинг кўнкураш бўйича тўплаган очколари ғолиблик супасининг биринчи поғонасига кўтарилишига имкон берди. Яна бир вакилимиз — Николай Пак еттинчи ўрин билан қаноатланди.

ФУТБОЛ:

ҚУРУҚ БЎЛМАДИ

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг ўн иккинчи тур ўйинларини ўтказишди. Чемпионат пешқадами — пойтахт армиячилари «Ростсельмаш» футболчиларини қабул қилишди. Меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона тўп армиячиларга ғалаба келтирди. ЦСКА 19 очко билан мавқеини янада мустаҳкамлади. Қайратчилар сафарда ўтказилган икки учрашувдан қуруқ қайтишди. Улар ҳисобида 15 та очко бор. Учинчи ўринда бораётган «Нефтчи» футболчиларида ҳам шунча очко бўлиб, улар бу сафар дам олишди. «Нистру» командаси эса «Шинник» коллективини қабул қилиб (3,1), етти ғалаба, 15 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

Пахтакорчилар эса сафарда Кутаиси торпедочиларига имкониятни бой бериб (0:2), Абовян шаҳрида маҳаллий «Котайк» футболчилари билан дуранг (1:1) ўйнашди. Сафардан қуруқ қайтмаган пахтакорчилар ҳозир 14 очко билан бешинчи ўринни эгаллаб туришибди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
Самарқанд ва Хоразм областлари бўйича ишлаш учун
маданий ўсимликлар агроэкологияси лабораториясининг **катта илмий ходимлари** (2)
вакант вазифаларига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 5 июнгача.

Ҳужжатлар қўйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ҳўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон — 62-05-27.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1989 ИЙЛ УЧУН
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА
КУНДУЗГИ: умумий ва регионал геология, биохимия, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, фойдали руда ва норуда қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш геологияси, литология;
СИРТҚИ: геохимия, фойдали руда ва норуда қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш геологияси.
АРИЗАЛАР 1989 ЙИЛ 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 33-уй, илмий секретарга.

●

Ўзбекистон ССР Госснабининг
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ
фақат аҳолига, кооперативларга яқин якка ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга
ФОЙДАЛАНИЛГАН
«ГАЗ-53», «ГАЗ-66», «ЗИЛ-137», «Урал-375Д» «ГАЗ-63» маркадаги автомашиналарни, кўчма буғ қозонларини, автоцистерналарни, автозаправка машиналарини ҳамда химикатлар тикув ва трикотаж буюмлари, электротехника, приборлар ва бошқа маҳсулотларни
СОТАДИ
Заявкалар қуйидаги адресда қабул қилинади: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 44-06-52, 41-33-43, 41-09-60, 41-06-60.

●

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/V да **Прометей** (19.30).

Ахборот

БЕМИННАТ ЕРДАМ

● Ўрта Осиё темир йўли медицина хизматни ташкил қилган ихтисослаштирилган вагон — қон қўйиш кўчма станцияси «Раҳм-шафқат рейсига чиқди. У Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Чоржўй, Марв шаҳарларида бўлади. Бу вагон қаерга бормасин, унинг экипажи ҳамма жойда ўнлаб кўнгилли донорларни қабул қилмоқда. Масалан Марв станциясида деярли 150 нафар темирйўлчи ва уларнинг оила аъзолари ўз қонларини беминнат топширдилар.

САМАРАДОРЛИК ОШДИ

● Фарғона ипак бирлашмасининг бўяш-пардозлаш корхонасида янги ускунани ишга тушириш олдидан созлаш ишлари тугалланди. ГДРда тайёрланган «Текстима» аппаратининг самарадорлиги бўяш цехидаги эскириб қолган ўнта ускунанинкига тенг. Электрон мосламаси бўлган янги аппарат технологик жараёнларни автоматик тарзда бошқариш ва бир қанча операциялар: газламаларни бўяш, ювиш ва қуритиш ишларини қўшиб олиб бориш имконини беради. Энди цех бир кеча-кундузда 70 минг метргача шойи газламаларга ишлов бериши мумкин.

ШАРТНОМА АСОСИДА

● Олмалиқ гилам фабрикасининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириб, бир йилда жами 50 гектар майдонни эгаллаши мумкин бўлган гиламлар тайёрлашга қарор қилди. Улар бундай ўсишга капитал маблағлар сарфламасдан меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришишни мўлжаллашмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ иш жойларни рационаллаштиришдан, кўп меҳнат талаб қиладиган ва оралиқ операцияларга барҳам беришдан, мусобақа шартларни қайта кўриб чиқишдан. Талабнинг таҳлил қилиш натижасида гиламларни кўпроқ ишлаб чиқаришга эришилди. Олмалиқлик гиламдўзлар ўз маҳсулотларининг 90 процентдан кўпроғини бевосита шартномаларга кўра савдо тармоқларига жўнатаяптилар.

ҲАМКОРЛИК

● Қўқонда очилган «Экология» кооперативи йўлларда тексиришш ишларини бошлаб юборди. Бу ишнинг мақсади атмосфера ҳавосини ифлослантираётган автомобилларни аниқлашдан иборат. «Экология» кооперативида газ миқдори ва таркибини аниқ ва самарали кўрсатиб берадиган қурилмалар бор. Кооператив Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг Қўқон районлараро инспекцияси ташаббуси билан тузилган бўлиб, у ўз ишларини ГАИ билан яқин алоқада олиб бораяпти. Кооперативчилар аниқлаган носоз автомобилларни ГАИ ходимлари созлаш ёки ремонт қилдириш учун ўша заҳотиёқ техник хизмат станциясига жўнатишмоқда.

(ЎзТАГ).

• *Автомобиль транспорти хизмати: тажриба ва муаммо*

ИЖАРА ПУДРАТИ НИМА БЕРЯПТИ?

ТОШКЕНТ шаҳрида автобуслар ижара пудратига ўтиб ишлаётганига бир неча ойгина бўлди. Бу дастлабки хулосаларни айтишга имкон беради. Тўғри, бу билан автопарклар ва автобус ҳайдовчиларининг моддий аҳволи яхшиланяпти. Чунки ҳайдовчилар ўзи ижарага олган автобусдан илож борича кўпроқ, яхшироқ фойдаланишга, шартнома бўйича мажбурият ва планларни тўла, ошириб бажаришга астойдил ҳаракат қилишяпти. Шартномавий мажбурият бажарилса, ҳайдовчининг моддий манфаатдорлиги яхшиланади. Пландан ташқари ишлаб топилган тушумларнинг асосий қисми ўзида қолади.

Шу билан бирга, ижара пудратига ўтиб ишлашнинг қатор муаммолари ҳам кўриниб қолмоқда. Улар аввалгидек яна ҳайдовчи-йўловчи муносабатида кўзга ташланаётир. Аввало, ҳайдовчи автобуснинг фақат олдинги эшигини очиб, йўловчилар билетини текшириб, пул олади. Қолган эшикларни эса хоҳласа очади, хоҳламаса йўқ. Шошиб турган йўловчининг илтимос, сўровларига қани энди у қулоқ солса. Барибир ташишга улгура олмаган йўловчи кейинги бекатгача кетишга мажбур. Масалан, 97-маршрутда қатнаётган 61—05 ТНЛ номерли автобус ҳайдовчиси 21 апрель куни худди шундай қўполлик қилди:

— Автобус хўжайини ягона менман. Нима хоҳласам, шуни қиламан, истаган жойингга бориб шикоят қилишинг мумкин, — деди у йўловчига ўшқириб.

Худди шундай воқеа шу маршрутдаги бошқа автобусда ҳам (73—83 ТНД) юз берди. Ҳайдовчи ёнига ўтириб олган кир-чир кийимли бола йўловчиларга номигагина билет йиртиб берарди. Бу эса амалда ошкора ўғирликдан бошқа нарса эмас. Табиийки, йўловчилар ундан ҳалол ишлашни талаб қилишди. Шунда йигит: «Билет тугаяпти, шу озгина билетни иш давомида етказиб туришим керак», деди. Талаб эса инобатга олинмади.

18-автобус (16—58 ТНМ) ҳайдовчиси, ёшгина йигит эса билет йўқлигини баҳона қилиб, йўловчиларни фақат олдинги эшикдан туширар, бошқаларини очмас, майдаси йўқ одамларнинг йирик пули билан муомала қилгунча ҳар бекатда узоқ тўхтаб турарди.

Ҳайдовчи-йўловчи муносабатидаги нохушликларга қараб, қатъий хулосага келиш мумкин: — Ижара пудрати корхона билан ҳайдовчи моддий аҳволини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатар экан-у, йўловчи норозилигини кучайтирар экан. Ҳайдовчи ва корхона моддий аҳволи яхшиланиб, йўловчи қадри ерга уриляпти. Ҳайдовчи-йўловчи муносабати бузилиб, ишга зарар етказиляпти.

Бошқа қийинчилик ва муаммолар ҳам кўп. Корхоналар маъмурияти ижара шартномаси бандларини тўлалигича бажараётганлари йўқ. Ижарачилар эҳтиёт қисмлар, зарур кундалик буюмлар билан ҳамиша ҳам етарли таъминланмаяптилар.

Корхоналарда, шунингдек, маъмурият билан ҳайдовчилар ўртасидаги эски ва янги машиналар тақсимотидаги келишмовчиликлар бартараф этилиши зарур.

Бекатлар тўғрисида бир оғиз сўз. Тошкент шаҳрида турли қурилишлар, қайта қуришлар кўплиги, шаҳарнинг марказий ва гавжум қисмларида халқ сайилгоҳлари ташкил этилганлиги муносабати билан баъзи маршрутлар йўналиши бирмунча ўзгарди. Автобуслар бошқа бекатларда тўхтамоқда. Бу кўпчиликка ноқулайлик туғдирди. Масалан, 92-тезюрар автобус кўпинча соат 19 дан кейин «Октябрь Революцияси ҳиёбони» бекатига бормай, тўғри «ОДО» бекати орқали Юнусободга жўнаб қолади.



Дўстимиз хотираси

Шафқатсиз ўлим садоқатли дўстимиз ва ҳамкасбимиз Собиржон Жўраевни оримиздан бевақт олиб кетди. Соддадиллиги, самимийлиги, одамохунлиги ва доимо коллектив хизматига тайёрлиги унинг обрў-эътиборини оширган эди. «Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи яна бир неча ойдан сўнг айни кучга тўлган, ҳам ҳаётий, ҳам ижодий тажрибаси ортиб, камолот ёшига етган дилкаш дўстимизнинг 50 йиллигини нишонламоқчи эди. Афсус, минг афсус!

Собиржон Жўраев меҳнат фаолияти даврида республикамизнинг қатор матбуот органларида ишлади. Тошкент олий партия мактабида ўқиди. Кўплаб очерк ва мақолалари коллектив тўпламларда нашр этилди. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

Ҳамкасбимиз ҳамиша ижодий изланиш иштиёқи билан яшар эди. Яқиндагина меҳнат таътилига кетишдан бир кун олдин ҳам навбатдаги мақоласини (таассуф, у энг сўнггиси экан!) тайёрлаб топширган эди. Ва яна таассуфки, уни газетада ўзи ўқиёлмай кетди.

Покдомон дўстимиз Собиржон Жўраев хотираси қалбимизда узоқ вақт яшайди.

Тартибга амал қилмаётган аҳолини ранжитаётган автобусларнинг аксарияти 8-автопаркка қарашли. Автобус паркида бўлганимизда ҳайдовчи ва маъмурият раҳбарларининг ўзаро суҳбатларидан йўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатишдан кўра кўпроқ пул ишлаш уларнинг асосий мақсади эканлигини пайқадик. Улар йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш биринчи даражали ишимиз, деб оғизда кўп такрорлайдилар, аммо амалда бунинг акси, яъни кўпроқ пул топиш. Ўзларича эса «йўлсин абонемент!» шиорини ўртага ташлашипти.

Адолат юзасидан айтганда, ишлаб чиқаришда планлар бажарилиши шарт. Акс ҳолда моддий манфаатдорлик сусаяди. Аммо қадрият-ни кўтармай туриб, фойдани кўпайтиришга эришиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик керак.

— Абонемент системаси амал қилган даврда ҳайдовчилар катта-катта маош олишдию, аммо корхона кассаси қуриб бораверди. Ижара пудратигина автопаркни моддий ўпирилишдан сақлаб қолиши мумкин, деган ягдил хулосага келдик, — деди автобус парки директорининг ўринбосари Салоҳиддин Асомиддинов.

Корхона ҳайдовчиларининг ҳаммаси шу йил 1 апрелдан бошлаб ижара пудрати асосида ишлашга ўтказилди. Ҳозирлик кўрилмади. Ҳайдовчилар ва ҳаракат составини эмиш. Лекин қизғин иш жараёни кўзга ташланмайди. Сабабини эҳтиёт қисмлар йўқ, деб тушунтиришди. Айниқса, 77—83 ТНА, 15—11 ТНЛ, 61—07 ТНЛ, 83—84 ТНА номерли «Икарус»ларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Уларнинг турли қисмлари йўқ, кўпдан бери шу таҳлитда ётганлиги билиниб турибди.

— Машинангизнинг чироқлари қаёқда? — сўрайсиз 83—84 ТНА номерли 107-маршрутга тегишли автобус шофери Александр Бочкаревдан.

— Чироқларни бошқа машина шофери ишлатиб туриpти. Машинамизни ремонт қилиб бўлсак, қайтариб оламан. Ҳозирча эҳтиёт қисмлар йўқ.

14—89 ТНМ номерли машина двигателини ремонт қилаётган йигитлар ҳам эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги қийинчиликлардан гапирдилар.

Ичкаридаги хилма-хил металл, резина буюм ва қисмлар уюмлари территория ҳуснига доғ бўлиб кўп вақтдан буён ётипти. Уларнинг ёнида ҳар хил вазиятда туриб қолган «Икарус»лардан ҳеч вақо қолмаган, фақат «териси» — юпқа сиртқи тунукаларигина қолган.

Автопаркдаги аҳвол мана шундай. Ишларнинг ташкилий жиҳатлари ҳам ғалати. Ижара пудратига ўтиб ишланаётган ҳозирги шароитда ҳам автобусларнинг линияларга кам ёки кеч чиқарилиши, паркка эрта қайтиши давом этяпти. Натижада бекатларда йўловчилар узоқ кутиб қолмоқдалар. Хуллас, корхона раҳбарлари ва мутахассислари ҳар куни 231 автобусдан 140 тага ҳам етмайдиган қисмигина йўлга чиқаётганки каби ачинарли ҳолга кўникиб қолганликлари ташвишли. Айниқса, 51, 91, 97-каби асосий маршрутларда автобуслар сони нормадагидан анча кам.

Автопарк нинг яхши анъаналари, ажойиб ҳайдовчилари борлигини биламиз. Масалан, 51-автобус ҳайдовчиларидан бири иш давомида йўловчиларга яхши кайфият бағишларди. Ўзбек ва рус тилларида равон гапирар, бекатлар номини айтар ва бошқа муҳим маълумотларни бериб борарди. Байрамларда автобусларга йўловчиларга қаратилган табрик варақалари ёпиштирилларди. Одамлар ўқиб мамнун жилмаяр, бир-бирини имлаб, ўқишга даъват этганларини кўрганман...

— Автокорхона ўтириб қолгач, район ташкилотлари уни назоратга олдилар, — дея изоҳлайди Тошкент шаҳар Киров район Совети ижроия комитетининг раиси Рустам Калонов.

Ҳақиқатда, корхона раҳбарлари бизга иложи борича ишларни ялторатиб кўрсатишга интилдилар. Камчиликлар ва муаммолар эса бошқаларнинг айби билан юз бермоқда деб таъкидлашдан нари ўтмадилар. Айбни ўзгага тўнкашдан осони йўқ. Лекин ижара пудрати кўп нарса ваъда қилмоқда. Уни уддалаб ола билиш ҳам керак.

Собиржон ЖЎРАЕВ.

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ДАВРАСИДА

КЎЗГУДАГИ ОРЗУЛАР

Муҳаммад — араб йигити, Коҳирада туғилиб, камол топган. Унинг ҳаётидаги бирдан-бир орзуси дизайн-рассом бўлиш, инсон қалбини ҳаяжонга соладиган фикрлар, олий мақсадлар, пок ниятли одамлар ва бутун олам гўзаллигини рангли шишалар воситасида тасвирлаш эди. У ана шу мақсад билан Тошкентга келиб, Абу Райҳон Беруний номидаги политехника институтининг химия технологияси факультетига ўқишга кирди. Бу ерда уч йил давомида ўзбек олимлари раҳбарлигида рангли шишаларни ҳосил қилиш ва уларда тасвирларни акс эттириш борасида тинмай шуғулланди. Кейин у, шу соҳада техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёзишга киришди. Уни шу йилнинг сентябрь ойида ёқлаш ниятида.

Мисрлик Муҳаммад Али Ҳасан Зинхун ўз кашфиётидан дебоча сифатида рангли шишалардаги манзаралар санъат кўргазмасини ташкил этди. У республика Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида муваффақият билан намойиш этилмоқда. Экспонатларга тошкентлик рассомлар, архитекторлар, дизайнчилар катта қизиқиш билдиришмоқда.

«Шарқ аёллари», «Араб халқлари билан дўстлик», «Само ва қушлар», «Фольклор» сингари рангдор шишаларда тасвирланган асарларнинг ҳар бири ўзига хос достонга ўхшайди. Бу кўргазма Москва, Ленинград, Одесса шаҳарларини кезиб, яна Тошкентга қайтди. Кейинчалик уни Коҳира томошабинлари ҳам кўрадилар.

Тошкент олий ўқув юрти яна бир хорижий мутахассисни «учирма» қилмоқда. Бу билим масканида таълим олаётган хорижий студент, аспирант ва стажёрлар 800 киши бўлиб, улар жаҳоннинг 57 мамлакатидан келган.

А. ПЎЛАТОВ.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«Гулхан» ва «Ғунча» журнали редакциялари коллективи «Гулхан» журналининг бадиий муҳаррири Х. Зиёхонова ўғли
САИДБЕКнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент олий партия мактаби ректорати, партия комитети ва касаба союз комитетлари профессор, филология фанлари доктори Н. Т. Шодиева ота-си
Тўра ШОДИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, касаба союз ташкилотлари ҳамда математика факультети коллективи информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасининг катта ўқитувчиси И. Мирмаҳмудовга онаси
Жаҳонбуви МИРКАМОЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти ректорати, партия комитети, касаба союз ташкилоти ва ижтимоий фанлар факультети коллективи сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти У. Мамарасулова онаси
Ойпошша МАМАРАСУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 11800. Б. — 126. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12